


МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



2019

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА

ДАСТУРИЙ ИНЖИНИРИНГ

“Дастурий инжиниринг” йўналиши

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Дастурий инжиниринг” йўналиши

**“Дастурий инжиниринг”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент - 2019

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини  
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига  
мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчилар:

К.Керимов - ТАТУ “Тизимли ва амалий дастурлаштириш” кафедраси доценти, т.ф.н.  
Л.Бобоев. - ТАТУ “Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти” кафедраси ўқитувчиси.

Тақризчилар:

С.Медетов – Нант политехника университети (Франция), Электрон ва ракамли технологиялар кафедраси профессори  
М.Якубов - ТАТУ “Ахборот технологиялари” кафедраси профессори, ф-м.ф.д.

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг 2019 йил 29 августдаги 1 (694) – сонли баённомаси билан тавсия қилинган**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. Ишчи дастур .....</b>	<b>5</b>
<b>II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари</b>	<b>13</b>
<b>III. Назарий материаллар .....</b>	<b>20</b>
<b>IV. Амалий машғулот материаллари.....</b>	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
<b>V. Кейслар банки.....</b>	<b>100</b>
<b>VI. Глоссарий .....</b>	<b>103</b>
<b>VII. Адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>105</b>

І БҮЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида бериладиган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Маълумки, хозирги кунда дастурий таъминот ёки дастурий маҳсулотни яратиш дастурий таъминот ишлаб чиқувчи мутахассислар жамоаси орқали амалга оширилади. Умуман олганда, хозирда, ҳар бир дастурий таъминот ёки дастурий маҳсулотни ишлаб чиқишига амалий лойиҳа сифатида қараш мумкин. Чунки, ҳар бир ишлаб чиқилган дастурий таъминот бирор бир соҳадаги (ижтимоий, иқтисодий, саноат, халқ хўжалиги ва бошқалар) маълум бир муаммоларни ҳал қилишига йўналтирилган бўлади.

Дастурий таъминотни ишлаб чиқишига тизимли ва комплекс ёндашув дастурий инжинииринг тушунчасини келтириб чиқарди. Келинглар, дастурий инжинииринг тушунчасини вужудга келиши сабабларига тўхталиб ўтайлик. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш фаолиятини ривожланишини дастурий таъминот билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни вужудга келиши ва уларни ҳал қилиш учун амалга оширилган ишлар орқали изоҳлаш мумкин. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича вужудга келган асосий муаммолар қўйидагилардан иборат бўлган:

- дастурий таъминот тан-нархининг жуда юқорилиги;
- талаб этилаётган дастурий таъминотни яратишнинг мураккаблиги;
- дастурий таъминотни ишлаб чиқиш жараёнларини бошқариш ва башоратлаш бўйича зарурат пайдо бўлиши ва ҳ.к.

Дастурий инжинииринг – бу дастурий таъминот ишлаб чиқиши самарадорлигини ошириш ва оптималлаштириш билан шуғулланувчи амалий фан бўлиб, у дастурий таъминотни яратишни лойиҳалаштириш(таҳлил қилиш), ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва кузатишни илмий асосланган усулларини ўз ичидаги мужассамлаштирган.

Ушбу дастурда дастурий инжинииринг тушунчалари, дастурий таъминот яшаш цикли, дастурий таъминот ишлаб чиқишининг моделлари ва технологиялари, дастурий таъминот архитектураси, дастурий таъминотни тестлаш ва текшириш йўллари, дастурий таъминотни ишлаб чиқишидаги эҳтимолли ҳолатлар ва уларни бартараф этиш йўллари ва усуллари, дастурий таъминот сифати, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва тестлаш бўйича стандартлар муаммолари баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

#### **“Дастурий инжинииринг” модулининг мақсад ва вазифалари:**

- дастурий инжинииринг тушунчалари, дастурий таъминот яшаш цикли, дастурий таъминот ишлаб чиқишининг моделлари ва технологиялари, дастурий таъминот архитектураси, дастурий таъминотни тестлаш ва текшириш йўллари, дастурий таъминотни ишлаб чиқишидаги эҳтимолли ҳолатлар ва уларни бартараф этиш йўллари ва усуллари, дастурий таъминот сифати, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва тестлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Дастурий инжинииринг” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- дастурий таъминотни яратишда талаблар ва техник топшириқ ишлаб чиқишининг қонуний асослари;
- дастурий таъминотни яратиш моделлари;
- дастурлаш тамойиллари ва технологиялари бўйича назарий ва амалий билимларга эга бўлиши;

### **Тингловчи:**

- лойиҳани ишлаб чиқишида обектлар ва улар билан ишлаш;
- дастурий таъминот архитектураси, талаблар ва уларни бошқариш;
- дастурий таъминот учун ҳолат диаграммаларини шакллантириш;
- лойиҳа дизайнни ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;
- лойиҳани тестлаш;
- лойиҳада ресурсларни тақсимлаш ва бошқариш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

### **Тингловчи:**

- лойиҳа сифатини бошқариш;
- лойиҳани яратиш учун кетадиган сарф-харажатларни ҳисоблаш ва олдиндан башпорат қилиш **компетенсияларни эгаллаши лозим**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Дастурий инжиниеринг” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентасион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Дастурий инжиниеринг” модули мазмуни ўқув режадаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожланиш истиқболлари” ва “Дастурий таъминотнинг ахборот хавфсизлиги” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг “Дастурий инжиниеринг” яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар лойиҳаларни ишлаб чиқишида талабларни шакллантириш, лойиҳа яратиш моделлари ва дизайнни, лойиҳани тестлаш ва текшириш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модуль мавзулари</b>	<b>Аудитория уқув юкламаси жумладан</b>			
		<b>Жами</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амайи машғулот</b>	<b>Кўчма машғулоти</b>
1	Дастурний инжиниринг тушунчаси, замонавий тенденциялари. Дастурний таъминот яратиш жараёни ва унинг классик моделлари. Дастурний таъминотга талабларни ишлаб чиқиш ва моделлаштириш.		2		
2	Дастурний таъминотнинг архитектуравий дизайнни. Дастурний таъминотни тестлаш. Дастурний таъминот эвалюцияси.		2		
3	Дастурний таъминот хавфсизлиги ва ишончлилигининг хусусиятлари. Дастурний таъминот хавфсизлигининг эҳтимоллигини бошқариш.		2		
4	Дастурний таъминотни бошқариш.		4		
5	UML ҳолат диаграммаларини шакллантириш. Лойиха учун тизим талаблари, функционал талабларни ва диаграммаларни ишлаб чиқиш. Дастурний таъминот архитектурасини ва дизайнини куриш ва мослаштириш. Фойдаланувчи интерфейси. Дастурний таъминотни тестлаш.			12	
	<b>Жами:</b>			<b>10</b>	<b>12</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1 – мавзу.** Дастурний инжиниринг тушунчаси, замонавий тенденциялари. Дастурний таъминот яратиш жараёни ва унинг классик моделлари. Дастурний таъминотга талабларни ишлаб чиқиш ва моделлаштириш (2 соат)

Кириш. Дастурый таъминот жараёнлари. Сифатли ва тезкор дастурый таъминот ишлаб чиқиш. Тизим учун талабларни шакллантириш. Дастурый таъминотни моделлаштириш

**2 – мавзу. Дастурый таъминотнинг архитектуравий дизайнни. Дастурый таъминотни тестлаш. Дастурый таъминот эвалюцияси. (2 соат)**

Дастурый таъминот архитектураси ва архитектуравий дизайн. Дастурый таъминот дизайнини яратиш ва уни тизимга мослаштириш. Датурий таъминотни тестлаш. Дастурый таъминот эволютсияларини кўриб чиқиш.

**3 – мавзу. Дастурый таъминот хавфсизлиги ва ишончлилигининг хусусиятлари. Дастурый таъминот хавфсизлигининг эҳтимоллигини бошқариш (2 соат)**

Дастурый таъминот ишончлилиги. Дастурый таъминот хавфсизлиги. Дастурый таъминот ишончлилиги ва хавфсизлигининг хусусиятлари. Дастурый таъминот хавфсизлигининг эҳтимоллигини бошқариш.

**4 – мавзу. Дастурый таъминотни бошқариш (4 соат).**

Лойихани бошқариш. Лойихани режалаштириш.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот. UML ҳолат диаграммаларини шакллантириш (2 соат)**

Лойиханинг ҳолат диаграммаларини шакллантириш учун УМЛ мухитида ишлаб учун СтарУМЛ дастурый воситасини ўрнатиш, лойиха таснифи учун усе сасе, сласс, секуенсе, активитӣ ва бошқа ҳолат диаграммаларини яратиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

**2-амалий машғулот. Лойиха учун тизим талаблари ва функционал талабларни ишлаб чиқиш (2 соат)**

Ишлаб чиқарилаётган дастурый таъминот учун тизим талаблари ва функционал талабларни ишлаб чиқиш ва унинг ҳужжатини шакллантириш.

**3-амалий машғулот. Лойиха учун керакли ҳолат диаграммаларни ишлаб чиқиш (Усе сасе, сласс ва секуенсе диаграммалари (2 соат).**

Берилган лойиха учун қўйилган тизим ва функционал талаблардан келиб чиқкан ҳолда усе сасе, сласс, секуенсе ва бошқа мос ҳолат диаграммаларини шакллантириш кўникмаларини ҳосил қилиш.

**4-амалий машғулот. Тизим архитектураси ва дизайнини куриш (2 соат).**

Дастурый таъминот архитектураси ва архитектуравий дизайн яратиш ва

уни тизимга мослаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш.

### **5 – амалий машғулот. Лойиҳанинг дастурий таъминоти ва фойдаланувчи интерфейсини ишлаб чиқиш (2 соат).**

Дастурий таъминот учун дизайн наъмуналар ишлаб чиқиш ва унинг амалий қўринишини яратиш, ўз навбатида тизим учун қўйилган талаблар асосида дастурий таъминот ишлаб чиқиш усуллар ва технологияларини аниқлаш, дастур яратиш.

### **6 – амалий машғулот. Дастурий таъминотни тестлаш ва текшириш (2 соат).**

Яратилган дастурий таъминотни тестлаш ва тестлаш босқичларини ўрганиш. Дастурий таъминотни тестлаш шартларини шакллантириш

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

# Ш БҮЛІМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ  
МЕТОДЛАРИ

## **П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **«Блум қубиги» методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини уенгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

1. Ушбу методни қўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида кўйидаги сўзлар ёзилади:
  - Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)
  - Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштировчи савол)
  - Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)
  - Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)
  - Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)
  - Фикр беринг (таҳлил килиш ва баҳолаш саволи)
2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

### **“KWHL” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича кўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### **Изоҳ. KWHL:**

*Know – нималарни биламан?*

*Want – нимани билишини хоҳлайман?*

*How - қандай билиб олсан бўлади?*

*Learn - нимани ўрганиб олдим?.*

“KWHL” методи	
<b>1. Нималарни биламан:</b> -	<b>2. Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишиим керак:</b> -
<b>3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан:</b> -	<b>4. Нималарни билиб олдим:</b> -

### “W1H” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтига саволларга жавоб топиш машки вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мукин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, таҳрирлаш мумкин)	

## “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



## “ВЕЕР” методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Веер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таниширгач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуя якунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

**Хуносаси:**

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stady» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг учимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил учим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир учимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил учимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс учимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият учимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзуу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Хар бир катақдаги түғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача бағоланиши мүмкін.



### Тест

### Муаммоли вазият

### Тушунча таҳлили (симптом)

### Амалий вазифа

### “Инсерт” методи

#### Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуні ёритилған матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзуу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиликтарга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилик индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“B” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт якунланғач, таълим олувчиликтар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

# ШБҮЛІМ

НАЗАРИЙ  
МАТЕРИАЛЛАР

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1 – мавзу. Дастурий инжинириинг түшүнчаси, замонавий тенденциялари. Дастурий таъминот яратиш жараёни ва унинг классик моделлари. Дастурий таъминотга талабларни ишлаб чиқиш ва моделлаштириш (2 соат)**

**Режа:**

- 1.1. Кириш. Дастурий таъминот жараёнлари.
- 1.2. Сифатли ва тезкор дастурий таъминот ишлаб чиқиш.
- 1.3. Тизим учун талабларни шакллантириш.
- 1.4. Дастурий таъминотни моделлаштириш.

**Калит сўзлар:** жараён, талаб, фаолият, тезкор, ҳужжат, модел, дастурий таъминот, инжинириинг, маҳсулот, фаза, профессионал, метод.

#### **1.1 Кириш. Дастурий таъминот жараёнлари**

<sup>1</sup>Биз замонавий дунёни дастурий таъминотсиз тасаввур қила олмаймиз. Миллий инфраструктуралар ва утилиталар компьютерга асосланган тизимлар томонидан назорат қилинади ва кўпгина электрли маҳсулотлар ўз ичига компьютер ва назорат дастурларни олади. Саноатда ишлаб чиқариш ва тарқатиш тўлиқ компьютер лаштирилган. Мусиқа саноати, компьютер ўйинлари, фильмъ ва телевизорларда дастурий таъминотдан фойдаланишади. Шу сабабли дастурий инжинириинг миллий ва халқаро жамиятлар функционаллиги учун муҳимдир. Дастурий таъминот тизимлари мавхум ва номоддий бўлиб улар материалларнинг хусусиятлари ёки физик қонунлар билан чегараланмаган. Дастурий таъминотнинг потенсиалига ҳеч қандай табиий чекланувлар йўқ.

#### **Дастурий инжинириинг тарихи**

“Дастурий инжинириинг” атамаси 1968 - йил конференсияда таклиф қилинган. 1970-1980- йилларда структурали дастурлаш ва объектга йўналтирилган ишлаб чиқиш каби дастурий инжинириинг усуллари ва методлари ишлаб чиқилди. Стандарт атамалар ишлаб чиқилди ва ҳозирги кунда кенг қўлланилмоқда.

#### **Профессионал дастурий таъминотни ишлаб чиқиш**

Кўп одамлар дастурлар ёзишади. Одамлар ишда ўз ишларини осонлаштириш учун электрон жадвал кўринишли дастурлар тузушади, тадқиқотчилар ва инженерлар илмий тажрибага оид маълумотларга ишлов

---

<sup>1</sup> “Software Engineering”, by Ian Sommerville, pages 4-8.

бериш учун дастурлар тузишади, ёки қизиқиши сабаб дастурлар тузишади. Профессионал дастурий таъминот бу дастурчидан ташқари бошқа инсонлар ҳам фойдаланиши мақсадида ишлаб чиқилади ва одатда индивидуал бўлиб эмас гурух бўлиб ишланади.

Дастурий инжинииринг профессионал дастурий таъминотни қўллаб қувватлашга йўналтирилган бўлиб у дастурнинг ўзига хос хусусиятлари, дизайнни ва эволютциясини таъминловчи усулларни ўз ичига олади. Дастурий инжинииринг нималиги ҳақида сизга кенгроқ тушунтириш мақсадида қўйида кўп сўралган саволларга қисқача жавобларни ҳавола этамиз (1.1-жадвал).

1.1-жадвал.

#### Дастурий ижинииринг бўйича савол-жавоблар

Савол	Жавоб
Дастурий таъминот нима?	Компьютер дастурлари ва унга боғлиқ хужжатлар. Дастурий маҳсулотлар олоҳида мижозлар учун ёки умумий бозор учун ишлаб чиқарилиши мумкин.
Яхши дастурий таъминотнинг аттрибутлари нима?	Яхши дастурий таъминот талаб қилинган функционалликка эга, фойдаланувчига қулай, ишончли ва давомий бўлиши лозим.
Дастурий инжинииринг нима?	Дастурий инжинииринг бу дастурий маҳсулотни ишлаб чиқишининг барча қирралари билан боғлиқ муҳандислик.
Дастурий инжиниирингни асосий фаолиятлари нима?	Дастур хусусиятлари, дастурий таъминот ишлаб чиқиш, дастурий таъминотни текшириш, ва дастурий таъминот эволютцияси.
Дастурий инжинииринг ва компьютер илми ўртасида қандай фарқ бор?	Компьютер илми назария ва тушунчаларга эътиборни қаратади; дастурий инжинииринг амалий ишлаб чиқиш ва фойдали дастурий таъминотни уетказиб беришга

	эътибор қаратади.
Дастурий инжиниринг ва тизим инжиниринг ўртасида қандай фарқ бор?	Тизим инжиниринг бу аппарат таъминот, дастурий таъминот ва жараён инжинирингни ўз ичига олувчи компьютер асосли тизимларни ишлаб чиқиши. Дастурий инжиниринг ушбу умумий жараённинг бир қисмидир.
Дастурий инжинирингни нархи қанча?	Тахминан 60% харажатлар ишлаб чиқариш учун ва 40% харажатлар тестлаш учун сарф бўлади.
Энг яхши дастурий инжиниринг усули ва методи қайси?	Барча дастурий таъминот лойиҳалари профессионал тарзда бошқарилиши ва ишлаб чиқилиши керак, турли хил тизимлар учун мос бўлган турли хил усуллар қўлланилади.
Дастурий инжиниринга веб қандай хилма-хиллик олиб келди?	Веб дастурий сервисларни ва юқори тақсимланган сервисга асосланган тизимларни ишлаб чиқишни олиб кирди.

Дастурий инженерлар дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар. Икки хил турдаги дастурий маҳсулотлар мавжуд:

1. *Умумий маҳсулотлар* Булар автоном тизимлардир яъни ишлаб чиқариш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилади ва очик бозорда сотиб ола биладиган мижозларга сотилади. Бу турдаги дастурий маҳсулотларга шахсий компьютер лар учун дастурий таъминотлар масалан маълумот базалари, матн таҳрирловчи, расмлар чизиш, лойиҳаларни бошқариш ускуналари каби дастурларни мисол қилиб олишимиз мумкин.
2. *Буюртма маҳсулотлар* Булар алоҳида мижозлар томонидан буюртма қилинган тизимлардир. Бу турдаги дастурий маҳсулотларга электроник қурилмалар учун назорат тизимлари,

махсус иш жараёнларига ёрдам бериш учун ёзилган тизимларни мисол қилиб олишимиз мумкин.

Бу икки турдаги маҳсулотларнинг асосий фарқи шундаки, умумий маҳсулотларда дастурий таъминот хусусиятларини дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчи ташкилот назорат қиласи. Буюртма маҳсулотларда маҳсулотни сотиб олувчи ташкилот дастурий таъминот хусусиятларини ишлаб чиқади ва назорат қиласи.

Бироқ ҳозирги қунга келиб бу икки турдаги маҳсулотлар орасидаги фарқ тобора камайиб боряпти, чунки кўпгина тизимлар умумий маҳсулот сифатида қуриляпти ва мижозлар талабига қараб мослаштириляпти. Enterprise Resource Planning (ERP) тизимлар, масалан SAP тизими бунга яққол мисол бўлиши мумкин.

Дастурий инжиниеринг бальзида дастурий таъминот жараёни ҳам дейилади. Дастурий таъминот жараёни дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш фаолиятлари кетма-кетлигидир. Барча дастурий таъминотлар учун умумий бўлган тўртта асосий фаолият бор. Булар:

1. Дастурий таъминот хусусияти
2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш
3. Дастурий таъминотни текшириш
4. Дастурий таъминот эволюцияси

### **Дастурий таъминот жараёни**

Дастурий таъминот бу дастурий маҳсулотни тайёр ҳолатга олиб келиш фаолиятилари тўпламидир. Бу фаолиятлар Жава ёки С каби стандарт дастурлаш тилларида дастурларни ишлаб чиқиши ўз ичига олиши мумкин.

Дастурий таъминот жараёни модели бу дастурий таъминот жараёнининг соддалаштирилган кўринишидир.


Жараён моделлари:

1. Шаршара модели
2. Ортиб бориш модели
3. Қайтиб фойдаланишга мўлжалланган дастурий инжиниеринги

### **Шаршара модели**

Шаршара модели биринчи бўлиб эълон қилинган дастурий таъминотни ишлаб чиқиш жараёни моделидир (Ройсе, 1970).

Шаршара модели асосий босқичлари бевосита дастурий таъминотни ривожлантириш босқичини акс эттиради:




1.1-расм. Шаршара модели.

- 1. Requirements analysis and definition** Тизим фойдаланувчилари билан маслаҳатлашиб тизимнинг сервислари, чегаралари ва мақсадлари белгилаб олинади
- 2. System and software design** Тизим дизайни жараёнида тизим архитектурасини ташкил қилиш орқали аппарат ёки дастурий тизимларга талаблар белгиланади. Дастурий таъминот дизайнни фундаментал дастурий таъминот тизимлари мавҳумликлари ва уларнинг муносабатларини идентификатциялаш ва тасвирлашни ўз ичига олади.
- 3. Implementation and unit testing** Бу босқичда дастурий таъминот дизайнни дастурлар тўплами ёки дастур бўлимлар қўринишида амалга оширилади. Бўлим тестлаш жараёнида ҳар бир бўлим алоҳида тестланади.
- 4. Integration and system testing** Индивидуал дастур бўлимлари ёки дастурлар бирлаштирилади ва тўлиқ тизим кўринишида тестланади. Тестлашдан кейин дастурий таъминот тизими фойдаланувчига уетказилади.
- 5. Operation and maintenance** Бу энг узун ҳаёт цикли фазаси хисобланади. Тизим ўрнатилади ва амалий фойдаланишга қўйилади. Maintenance ўз ичига ҳаёт циклининг олдинги босқичларида тузактилмаган хатоликларни тузатиш, тизим бўлимларининг амалий кўринишларини яхшилаш ва тизим сервисларини янги талабларга мос равишда яхшилашни ўз ичига олади.

## Ортиб бориш модели

Incremental (ортиб бориш) ишлаб чиқиш дастлабки амалий кўринишни ишлаб чиқиш ғоясига асосланган. Фойдаланувчи изоҳларига қараб тизимнинг кейинги версиялари ишлаб чиқилади.




1.2-расм. Ортиб бориш модели.

Кўпгина дастурий таъминот лойиҳаларида бир нечта қайта фойдаланиладиган дастурий таъминотлар мавжуд.

Қайта фойдаланишга мўлжалланган жараёнларда фойдаланиш мумкин бўлган уч хил турдаги дастурий таъминот компоненталари бор:

1. Веб сервислар сервис стандартларига кўра ишлаб чиқилган
2. NET ёки J2EE каби компонента фреймворкларга интегратсия қилинадиган пакетланган объектлар коллекцияси
3. Maxsus муҳитларда фойдаланиш учун созланган автоном дастурий таъминот тизимлари.



1.3-расм. Қайта фойдаланишга мўлжалланган жараён

## **1.2. Сифатли ва тезкор дастурий таъминот ишлаб чиқиши**

<sup>1</sup>Тезкор дастурий таъминот ишлаб чиқиши жараёни фойдали дастурий таъминотни тезда тайёрлашга мўлжалланган.

Тезкор дастурий таъминот ишлаб чиқишининг бир нечта ёндашувлари мавжуд бўлсада уларнинг асосий характеристикалари мавжуд:

1. Хусусиятларни аниқлаш, дизайнлаш ва амалий кўринишга келтириш жараёнлари бирлаштирилган. Тизимнинг хусусиятлари батафсил келтирилмайди ва дизайн хужжатлари минимумлаштирилган. Фойдаланувчи талаблари хужжатлари тизимнинг муҳим характеристикаси ҳисобланади.
2. Тизим бир неча талқинда ишлаб чиқарилади. Фойдаланувчи янги талабларини қондириш мақсадида дастурий таъминотнинг новбатдаги талқини ишлаб чиқарилади.
3. Тизимнинг фойдаланувчи интерфейсини тезда тайёрлаш мақсадида IDS (integrated development system)


## **1.3 Тизим учун талабларни шакллантириши**

<sup>2</sup>Тизим учун талаблар бу тизим нима иш бажариш лозимлигини тасвиrlашдир. Талаблар тизим мижозларини эҳтиёжларини акс эттиради.

Талаблар инжиниринги жараёнида кўпгина муаммолар кўтарилади. Фойдаланувчи талаблариъ ва ўтизим талаблариъ терминлари орасида фарқ мавжуд. Фойдаланувчи талаблари ва тизим талаблари қуйидагича изохланиши мумкин:

1. Фойдаланувчи талаблари бу диаграммалар билан табиий тилдаги баёнотлар.
2. Тизим талаблари бу дастурий таъминот тизими функциялари, сервислари ва оператив чекланишларининг батафсил тасвиrlаниши.

Сиз талабларни турли хил даражада ёзишингиз керак чунки турли хил ўқувчилар турли хил йўлда фойдаланишади.



1.4-расм.

<sup>1</sup> “Software Engineering”, by Ian Sommerville, pages 57-60

<sup>2</sup> “Software Engineering”, by Ian Sommerville, pages 83-88

Дастурий таъминот тизими талаблари функционал ва функционал бўлмаган талаблар синфларига ажратилади.

1. Функционал талаблар Бу тизим таминлаши лозим бўлган сервисларнинг баёноти. Киритилган маълумотларга тизим қандай реакция кўрсатиши лозим, тизим ўзини бундай ҳолатларда қандай тутуши лозим
2. Функционал бўлмаган талаблар Бу тизим томонидан таклиф қилинаётган сервислар ва функциялардаги чекловлар. У ўз ичига вақт чекланиши, ишлаб чиқариш жараёни чекланиши, бериладиган стандартлар томонидан чекланишларни олиши мумкин.

### **Дастурий таъминот талаблари ҳужжати**

Дастурий таъминот ҳужжати бу тизимни ишлаб чиқувчилар нимани ошириши лозимлигини ифодаловчи расмий ҳужжатдир. У тизим учун фойдаланувчи талабларини ҳам тизим талабларининг батафсил спесификатсиясини ҳам ўз ичига олади. Базида фойдаланувчи ва тизим талаблари битта қилиб тавсифланади. Бази ҳолларда эса фойдаланувчи талаблари ҳужжатнинг кириш қисми ва тизим талаблари асосий қисмни ташкил қиласди.

### **1.2-жадвал.**

#### **Талаблар ҳужжатидан фойдаланувчилар**

<b>Тизим мижозлари</b>	Талабларни кўрсатиш ва талаблар бажарилганлигига текшириш учун ўқиш. Мижозлар шунингдек талабларни ўзгартириши мумкин.
<b>Бошқарувчилар</b>	Тизимни нархлаш ва ишлаб чиқишини режалашритиши учун талаблар ҳужжатидан фойдаланиш.
<b>Тизим инженерлари</b>	Ишлаб чиқарилаётган тизимни тушуниш учун талаблардан фойдаланиш.
<b>Тизимни тестловчи инженерлар</b>	Тизимни ҳақиқийликка текшириш учун тизим талабларидан фойдаланиш.
<b>Тизимга хизмат кўрсатувчи инженерлар</b>	Тизим ва унинг қисмлари муносабатини тушуниш учун талаблардан фойдаланади.

### 1.3-жадвал.

#### Талаблар хужжатининг структураси

Бўлим	Тавсифи
Муқаддима	Хужжатни кутилган ўқувчиларини аниқлаш лозим
Кириш	Тизим мухимлигини тасвирлаш. Тизим функционаллиги қисқача тасвирланади.
Глоссарий	Хужжатда фойдаланилган техник терминларни аниқлаш
Фойдаланувчи талаблари	Фойдаланувчи учун тамилланган сервисларни тасвирлаш
Тизим архитектураси	Кутилган тизим архитектурасини юқори-даражали кўриниши
Тизим талаблари	Функционал ва функционал бўлмаган талабларнинг батафсил кўриниши
Тизим моделлари	Тизим компоненталари орасидаги муносабатларни график тизимини кўрсатиш
Тизим эволюцияси	Тизимга асосланиб фундаментал тахминларни тасвирлаш
Илова	Ишлаб чиқарилаётган илова ҳақида батафсил маълумотлар; масалан, аппарат таъминот ва маълумотлар базаси
Индекс	Хужжат индекслари

#### 1.4 Дастурий таъминотни моделлаштириши

<sup>1</sup> Моделлар талаблар инженеринги жараёнида тизим учун талабларни ҳосил қилишда фойдаланилади. Сиз мавжуд тизимларнинг моделини ва

<sup>1</sup> “Software Engineering”, by Ian Sommerville, pages 119-121

ишлиб чиқарилаётган тизимнинг моделини тушунишингиз мумкин.

1. Мавжуд тизим моделлари талаблар инжиринги мобайнида фойдаланилади. Улар мавжуд тизимнинг нима иш бажаришини аниқлаштиради ва тизимнинг кучли ва кучсиз томонларини муҳокама қилишга асос бўлади. Бу янги тизим учун талаблар ишлиб чиқишига олиб келади.
2. Янги тизим моделлари талаблар инжиниринги давомида ёрдам бериш учун ишлатилади. Инженерлар дизайн бўйича таклифларни муҳокама қилишда моделлардан фойдаланади.

Тизим моделининг энг муҳим томони шундаки унда тизим ҳақидаги батафсил маълумотлар ташлаб кетилади. Модел ўрганилаётган тизимнинг мавхум кўринишидир.

Сиз тизимни турли хил кўринишларини кўрсатиш учун турли хил моделларни ишлиб чиқишингиз мумкин. Масалан:

1. Ташқи кўриниш, тизимнинг контексти ёки муҳитини моделлаштириш.
2. Ўзаро муносабатлар кўриниши, тизим билан муҳит ёки тизим компоненталари ўртасидаги ўзаро муносабатни моделлаштириш.
3. Структуравий кўриниш, тизим томонидан ишлов берилаётган маълумотлар структураси ёки тизим ташкилотини моделлаштириш.
4. Хатти ҳаракатлар кўриниши, тизимнинг динамик хатти ҳаракатлари ва ходисаларга қандай жавоб беришини моделлаштириш.

Тизимнинг турли хил моделларини яратиш учун UML бир нечта диаграммаларга эга.

1. Фаолият диаграммалари, жараёндаги фаолиятларни кўрсатади
2. Фойдаланиш ҳолати диаграммари, тизим ва унинг муҳити ўртасидаги муносабатни кўрсатади.
3. Кетма-кетлик диаграммалари, шахс ва тизим ва тизим компоненталари орасидаги муносабатларни кўрсатади.
4. Синф диаграммалари, тизимдаги обьектлар синфлари ва уларнинг ўзаро муносабатини кўрсатади
5. Ҳолат диаграммари, тизимнинг ички ва ташқи ходисаларга таъсирини кўрсатади.

UML (Unified Modeling Language) - бирлашган моделлаштириш тили дастурий таъминот тизимларини моделлашда 13 та турли хил диаграмма турларидан фойдаланади. UML дастурий таъминот тизимларини моделини яратишида стандарт ёндашув деб қабул қилинган.

## **Контекс моделлар**

Контекс моделлар тизимнинг тезкор контекстини кўрсатишида фойдаланилади. Архитектуравий моделлар тизим ва унинг бошқа тизимлар билан муносабатини кўрсатади.

## **Тизим чегаралари**

Тизим чегаралари нима тизим ичида ва нима тизим ташқарисидалигини кўрсатади. Улар ишлаб чиқарилаётган тизимда фойдаланилаётган ёки боғлиқ бўлган бошқа тизимларни кўрсатади.

Контекс моделлар мухитдаги ишлаб чиқарилаётган тизимни эмас балки мухитдаги бошқа тизимларни кўрсатади.

Жараён моделлар ишлаб чиқарилаётган моделларни кўрсатади. UML диаграммалар жараён моделларда фойдаланилади.

## **Назорат саволлари**

1. Даствурий таъминот нима?
2. Яхши даствурий таъминотнинг аттрибутлари нима?
3. Даствурий инжиниринг нима?
4. Даствурий инжинирингни асосий фаолиятлари нима?
5. Даствурий инжиниринг ва комп’ютер илми ўртасида қандай фарқ бор?
6. ДаSTRUрий инжиниринг ва тизим инжиниринг ўртасида қандай фарқ бор?
7. ДаSTRUрий инжинирингни нархи қанча?
8. Энг яхши даSTRUрий инжиниринг усули ва методи қайси?
9. ДаSTRUрий инжиниринга веб қандай хилма-хиллик олиб келди?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Software Engineering”, by Ian Sommerville, 2015, paGES – 790.
2. Holdener, A. T. (2008). Ajax: The Definitive Guide. Sebastopol, Ca.: O’Reilly and Associates.
3. Abrial, J. R. (2005). The B Book: Assigning Programs to Meanings. Cambridge, UK: Cambridge University Press.
4. <http://www.SoftwareEngineering-9.com>
5. <http://www.pearsonhighered.com/sommerville>

## **2 - маъруза. Дастурий таъминотнинг архитектуравий дизайнни. Дастурий таъминотни тестлаш. Дастурий таъминот эволюцияси. (2 соат)**

### **Режа:**

- 2.1. Дастурий таъминотнинг архитектуравий дизайнни.
- 2.2. Дастурий таъминот дизайнини қуриш ва мослаштириш.
- 2.3. Дастурий таъминотни тестлаш.
- 2.4. Дастурий таъминот эволюцияси..

**Калим сўзлар:** архитектура, дизайн, тестлаш, эволютсия, хавфсизлик, ишинчлилик, барқарорлилик, сервис, UML, талаб, сервис.

### **2.1 Дастурий таъминотнинг архитектуравий дизайнни.**

<sup>1</sup>Дастурий таъминотнинг архитектуравий дизайн, тизимнинг умумий тузилиши дизайнни ва уни қандай ташкиллаштириш тушунчалари билан боғлиқдир.

Сиз дастурий таъминот архитектурасини иккита ажралмас босқичларда дизайнлаштира оласиз. Булар, кичик архитектура ва катта архитектура:

1. Кичик архитектурага шахсий дастурларнинг архитектураларини ўз ичига олади.
2. Катта архитектура бошқа тизимларни, дастурларни ва дастурий компоненталарни қамраб оладиган мураккаб корхона тизимлари архитектурасини ўз ичига олади.

Дастурий таъминот архитектураси тизимни ишлаб чиқишида муҳим ўрин тутади, сабаби у тизимни ишлаб чиқилишига, ишончлилигига, кенг кўламда қўлланилишига ва қайта ишлаб чиқилишига таъсир қиласиди. Шахсий компоненталар функционал тизим талабларини бажаради. Нофункционал талаблар тизим архитектурасидан келиб чиқади – бу компоненталар ташкил қилинадиган ва бир-бирига боғланадиган йўлдир. Кўплаб тизимларда, нофункционал талаблар ҳам шахсий компоненталар томонидан бажарилади, лекин бу уерда шубҳасиз тизим архитектураси устувор ҳисобланади.

Басс ва бошқалар (2003) дастурий таъминот архитектурасини очиқ лойиҳалаштириш ва ҳужжжатлаштиришнинг учта афзалликларини муҳокама қилишди:

---

<sup>1</sup> “Software Engineering”, by Ian Sommerville, pages 148-150

- Манфаатдор алоқалар.* Архитектура тизимнинг юқори даражадаги тақдимоти бўлиб, бир қатор турли манфаатдор томонлар томонидан муҳокама қилиш учун бир муаммо маркази сифатида фойдаланилади.
- Тизим таҳлили.* Тизимни ишлаб чиқишнинг эрта босқичларида тизим архитектурасини яратиш бир қанча таҳлилларни талаб қиласди. Архитектуравий лойиҳа уечимлари тизимнинг ишлаб чиқилиш, ишончлилик, кенг кўламда қўлланилиш ва қайта ишлаб чиқилиш талабларини қондира олишига чуқур таъсир қўрсатади.
- Кенг кўламли қайта қўллаш.* Тизим архитектураси модели тизимнинг қандай ташкил қилингани ва компоненталар қандай ўзаро таъсир қилишини ихчам, бошқарилга таърифидир.

Дастурий тизим архитектураси алоҳида архитектуравий шаблонлар ва стилларга асосланган. Архитектуравий шаблонлар худди клиент-сервер ташкилланиши ёки босқичланган архитектура каби тизимни ташкиллаштириш тушунчасидир.

Архитектуравий шаблонлар турли дастурий тизимларда қўлланилган архитектуралар жамланмасини ўз ичига олади. Тизим учун архитектура танлашда эҳтиёткорлик билан қарор қабул қилишингиз лозим.

Нофункциявий талаблар ва дастур архитектураси ўртасида яқин боғлиқликлар бўлганлиги сабабли, сиз танлаётган архитектуравий стиль ва тизим, нофункционал тизим талабларидан келиб чикқан ҳолда танланиши лозим:

1. *Ишлаб чиқиши.* Ишлаб чиқиш бу муҳим талаби бўлса, архитектура кичик компонентлар сони доирасида муҳим операцияларини маҳаллийлаштиришга мўлжалланган бўлиши керак, бу компонентлар билан ҳаммаси битта компьютер да ёзилган, бутун тармоқ бўйлаб тарқалмаган бўлиши лозим.

2. *Хавфсизлик.* Агар хавфсизлик муҳим талаб бўлса, архитектура учун қатламли тузилиши чуқур қатламларда ҳимояланган энг муҳим активлардан фойдаланиш керак, бу қатламлар учун хавфсизликни текшириш юқори даражада қўлланилади.

3. *Ишончлилик.* Агар ишончлилик муҳим талаб бўлса, архитектура шундай мўлжалланган бўлиши керакки, бунда хавфсизлик билан боғълиқ операцияларнинг барчаси ёки ягона компонентада ёки кичик сонли компонентларда жойлашган бўлиши керак. Бу хавфсизлик текшириш харажатларни ва муаммоларини камайтиради

ва қобилиятысиз тақдирда тизимини хавфсиз ёпилишига имкон берадиган тегишли ҳимоя тизимларини тақдим қиласы.

4. *Мавжудлик*. Агар мавжудлик мұхым талаб бўлса, архитектура тизими тўхтамасдан компонентларини янгилаш ва алмаштириш имконига эга ортиқча компонентларини ўз ичига олган бўлиши керак.

5. *Барқарорлик*. Агар барқарорлик мұхым талаб бўлса, тизим архитектураси тез-тез ўзгариб туриши мумкин бўлган нозик, ўз-ўзини таркибидаги компоненталардан фойдаланган ҳолда қурилиши лозим. Маълумотлар ишлаб чиқарувчилар истеъмолчилардан ажратилган бўлиши керак ва биргаликда маълумотлар тузилмалари йўл қўймаслик лозим.

## **2.2 Дастурий таъминот дизайнини қуриш ва мослаштириши.**

<sup>1</sup> Дастурий таъминот дизайнни ва уни ишлаб чиқиш бажариладиган дастурий таъминот тизими ишлаб чиқиладиган дастурий инжиниринг жараёнидаги босқичдир.

Баъзи оддий тизимлар учун, дастурий таъминот дизайнни ва дастурни ишлаб чиқиш дастурий инжинирингдир, ва бошқа барча фаолиятлар бу жараёнда билан бирлашган. Шу билан бирга, катта тизимлар учун, дастурий таъминот дизайнни ва дастурни ишлаб чиқиш дастурий инжинирингда иштирок этадиган жараёнлар мажмуудан биридир.

Дастурий таъминот дизайнни ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш фаолияти ўзгаришсиз кетма-кетликда келмоқда. Дастурий таъминот дизайнни фойдаланувчи талабларига асосланган дастурий таъминот компоненталари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги таъминлашда яратиладиган фаолиятдир. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бу дизайнни дастурга мослаб жорий этиш жараёнидир. Баъзи ҳолларда, бўлинган дизайн босқичлари ҳам мавжуд ва бу дизайн моделлаштирилган ва документлаштирилган бўлади. Бошқа ҳолларда эса, дизайн дастурчи миясида ёки доскада ёки қофозларда акс этади. Дизайнлаштириш бу муаммони қандай бартараф этишдир, шунинг учун ҳар доим дизайнлаш жараёни мавжуддир. Шунга қарамасдан, UML ёки бошқа дизайн яратувчи тиллардан фойдаланишда дизайнни тушунтириш бу доимо мұхим ёки мос равищда бўлмайди.

Дизайнлаштириш жараёнидаги энг мұхим босқич бу сизга керак бўлган дизайн моделлари ва уларда талаб қилинган деталларнинг босқичлари устида қарорлар қабул қилишдир. Бу айни вақтда ишлаб чиқилаётган тизим туридан келиб чиқади.

---

<sup>1</sup> “Software Engineering”, by Ian Sommerville, pages 177-180

Тизим лойиҳасини умумийликдан деталларигача ишлаб чиқишида, объектга йўналтирилган дизайнда қўйидаги бир қанч нарсаларни билишингиз лозим:

1. Тизим билан бўладиган ташки таъсирлар ва контекстни аниқлаш ва уларни тушуниш.
2. Тизим архитектурасини лойиҳалаш.
3. Тизимдаги асосий объектларни бирлаштириш.
4. Лойиҳа моделларини ривожлантириш.
5. Интерфейсларни аниқлаш.

Дастур дизайнини ишлаб чиқишида UMLдан фойдаланганингизда, сиз икки турдаги дизайн моделларини нормал ҳолда ишлаб чиқасиз:

1. Тизимли моделлар. Улар объект синфлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигидан фойдаланадиган тизимнинг динамик тузилмасини тасвирлайди.
2. Динамик моделлар. Улар тизимнинг динамик тузилмасини тасвирлайди ва тизим объектлари ўртасидаги ўзаро таъсирларни кўрсатади.

Ўзаро таъсирлар объектлар томонидан бажарилган хизмат сўровларининг кетма-кетлигини ўз ичига олган ҳолда хужжатлаштирилган бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқиш жараёнининг бир қисмида, сиз қандай қилиб ишлаб чиқилган дастурий таъминот мақсаддаги платформада қандай тарқалган бўлиши ҳақида қарорлар қабул қилишингиз лозим. Тарқалган тизимлар учун тарқаладиган компоненталар мавжуд маҳсус платформалар устида қарор қабул қилишингиз лозим бўлади. Қарор қабул қилишда кўриб чиқишингиз керак бўлган муаммолар:

1. Компонентнинг қурилма ва дастурий талаблари. Агар компонент маҳсус қурилма архитектураси учун лойиҳалаштирилган бўлса, ёки бошқа дастурий таъминот тизимларида қўлланилса, бу шубҳасиз талаб қилинган қурилма ва дастурни қўллаб қувватловчи платформада тарқатилади.
2. Тизим мавжудлиги талаблари. Юқори-мавжуд тизимлар биттадан кўп платформада тарқалган компоненталарни талаб қилиши мумкин. Бу шуни англатадики, платформ инкор қилган ҳолатда компонентнинг alternative ишлаб чиқилиши мавжуд.
3. Коммуникация компонентлари. Агар компонентлар орасида юқори даражали алоқа трафиги бўса, унда уларни ўша платформада ёки физик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган платформаларда аралаштириш

керак. Бу алоқа ушланиб қолишини, вақтлар орасидаги ушланишни камайтиради, хабар битта компонент томонидан жүнатилади ва бошқаси томонидан қабул қилинади.

## 2.3 Дастурий таъминотни тестлаши.

<sup>1</sup>Тестлаш, дастурий таъминотни фойдаланишга қўйишдан олдин дастур нуқсонларини топиш ва уларни тўғирлашга мўлжалланган дастурларни кўрсатишга мўлжалланган. Сиз дастурий таъминотни тестлаган чоғингизда, сунъий маълумотлардан фойдаланиб дастурни ишга туширасиз. Сиз дастурни тестлаш натижаларини хатоларга, аномалия (нормал ҳолатдан четлашиш)га ёки дастурнинг нофункционал сифатлари ҳақида маълумотга текширасиз.

Тестлаш жараёнида иккита алоҳида мақсадлар мавжуд:

1. Ишлаб чиқарувчи ва буюртмачига уларнинг дастурий таъминоти талаблари бажарилаётганини намойиш этиш. Буюртма қилинган дастурий таъминот учун ҳужжатдаги талабларнинг ҳар бири учун камида битта тестлаш бўлиши лозим. Умумий дастурий таъминот маҳсулотлари учун эса, тизимнинг барча функциялари учун, шунингдек, тайёр маҳсулотда ишлатиладиган функциялар аралашмаси учун тестлашлар бўлиши керак.
2. Дастурий таъминот нотўғри, ишонарсиз ёки спетсификатсияларга мос келмаган ҳолларни аниқлаш. Улар дастурий таъминотнинг нуқсонлари ҳисобланади. Нуқсонларни тестлаш кераксиз тизимларнинг нуқсонларига барҳам бериш билан боғлиқ, масалан, тизимнинг тўхтаб қолиши, бошқа тизимлар билан кераксиз бўғланиши, маълумотларнинг нотўғри ҳисобланиши ва бузилиши.


Биринчи мақсад бу ишлатилиши кутилаётган тизим текширишларини тестлашdir. Бунда ишлатилиши кутилаётган тизимни текширувчиларни берилган тестлар жамланмасидан тўғри фойдаланган ҳолда тестлаш лозим. Иккинчи мақсад, тизим нуқсонларини тестлашга олиб келади. Бунда тизим нуқсонларини кўрсатиши учун назорат мисоллари қўйилган бўлади. Албатта, тестлашнинг бу икки йўли ўртасида аниқ бир чегара ёқ. Текширувларни тестлаш вақтида сиз тизимдаги нуқсонларни топасиз; Нуқсонларни тестлаш вақтида бази тестлар дастурий таъминот уларнинг талаблари жавоб берётганини кўрсатади.

Расмда кўрсатилган схема, текширишларни тестлаш ва нуқсонларни тестлаш орасидаги фарқларни тушунишга ёрдам беради. Тестловчи

---

<sup>1</sup> “Software Engineering”, by Ian Sommerville, pages 206-210

тизимингизни қора қути деб тасаввур қилинг. И деб ўрнатилган киравчи сигналлардан тизим киравчи сигналлар қабул қиласи ва чикувчи сигналларни О деб ўрнатилган чиқишига узатади. Чиқишиларнинг баъзилари хатолика тутилиши мумкин. Булар  $I_e$  жамланмасидаги чиқувчилардир, улар  $I_e$  жамланмасидаги киравчи сигналларга жавобан ишлаб чиқилгандир. Нуқсонларни тестлашда биринчи ўринда  $I_e$  да ўрнатилган киравчиларни топишидир, чунки улар тизим билан боғлиқ муаммоларни очиб беради. Текширишларни тестлаш  $I_e$  дан ташқарида жойлашган тўғри киравчилар билан теслашни ўз ичига олади. Улар кутилаётган тўғри натижаларни олиш учун тизимни кучайтиради.



2.1-расм. Тестлаш жараёни.

Тестлаш дастурий таъминотнинг нуқсонларга эгалиги ёки бир аниқ вақтда у ўзини кўрсатилгандек тутишини намоён қилмайди. Сиз кузатаётган тест келгусида тизим билан юз берадиган муаммоларни топиши имконияти доимо мавжуд.

Верификатция ва валидатция жараёнлари одамлар пул тўлайдиган дастурий таъминотнинг функционал имкониятларини таъминлаш ва унинг шартларига мос келишини текшириш билан боғлиқ. Бу текшириш жараёнлари талаблар мавжуд ҳолларда ва улар ишлаб чиқариш жараёнларининг барча босқичларини давом эттириш вақтида бошланади.


Верификатсиянинг мақсади дастурий таъминот унга қўйилган функционал ва нофункционал талабларга жавоб беришини текширишдир. Верификатсия умумий жараён ҳисобланади.

Валидатсиянинг мақсади дастурий таъминот буюртмачи кутаётган

натижаларга мослигини таъминлашдир. Валидатция муҳим рол ўйнайди, сабаби, маълумотларни таснифлаш талаблари ҳар доим ҳам мижозлар ва фойдаланувчилар талаблари ва истакларини амалга оширавермайди.

Варификатсия ва валидатсия жараёнининг якуний мақсади эса датурий таъминот тизими “мақсадга мос келиши” га ишончни ўрнатишидир.

Етарли даражадаги ишонч босқичи, тизимнинг мақсади, тизим фойдаланувчиларнинг талабларидан, шунингдек, тизим учун жорий маркетинг мухитидан келиб чиқади:



2.2-расм. Варификатсия ва валидатсия жараёни.

- Дастурий таъминот.* Дастурий таъминотнинг энг критик, энг муҳимлиги бу унинг ишончлилигидир. Масалан, танқидий тизимларни эҳтиёт қилишни бошқариш учун қўлланиладиган дастурий таъминот учун керак бўлган ишонч даражаси, маҳсулотни янги ғояларини намоён этиш учун ишлаб чиқилган прототип учун бўладиган талабдан анча юқоридир.
- Фойдаланувчи кутаётган натижалар.* Уларнинг буглар билан, ишонарсиз дастурий таъминот билан тажрибалари бўлганлиги туфайли, кўплаб фойдаланувчилар сифатли дастурий таъминотни уқадар кутадилар. Улар дастурий таъминот ишдан чиқишидан ҳайратга тушмайдилар. Янги тизимни ўрнатаётганларида фойдаланувчилар мувоффақиятсизликка ҳам чидашади, сабаби дастурий таъминотдан фойдаланиш дастурни тўхташларидан кейинги қайта тикланишига кетган ҳаражатларни устунроқ келади. Бу каби ҳолатларда дастурий таъминотни тестлашга кўп вақт ажратишингиз керак бўлмайди. Бирок, дастурий таъминот тугалланишга этиши билан фойдаланувчилар унинг ишончли, улар хохлаганидек бўлишини кутадилар, шунинг учун

дастурий таъминотни ишлаб чиқиши охирги босқичларида кўпроқ тестлаш талаб қилиниши мумкин.

3. *Маркетинг муҳити*. Тизим бозорга чиққанида, тизимни сотувчилар рақобатчи маҳсулотларни, сотиб олувчилар тўлашга тайёр бўлган нархларни, шунингдек, ушбу тизимни уетказилиб берилиши учун талаб қилинадиган графикни инобатга олишлари лозим. Рақобатбардош муҳитда, дастурий таъминотни ишлаб чиқарадиган корхоналар, уни умумий тестланишидан олдин дастурни фойдаланишга топширишга қарор қабул қиласидилар, сабаби улар бозорда биринчи ўринда туришни хоҳлайдилар. Агар дастурий таъминот жудаям арzon баҳоланганд бўлса, фойдаланувчилар унинг ишонарсизлигига сабр қилишга тайёр бўладилар.

## 2.4 Дастурий маҳсулотнинг эволюцияси

<sup>1</sup>Дастурий маҳсулотнинг ўзгариши муқаррар

- Дастурий маҳсулотдан фойдаланилаётганда янги талаблар юзага келади
- Бизнес муҳитнинг ўзгади
- Хатоликларнинг тамирланиш мажбурияти
- Янги комп’ютер ва жиҳозларнинг системага қўшилиши
- Системанинг иш бажариши ёки ишончлилигини оширишга мажбур бўлиш

Барча ташкилотлар учун асосий муаммо уларнинг мавжуд дастурий таминоти учун ўзгаришларни амалга ошириш ва бошқаришdir

### Эволюциянинг аҳамияти

- Ташкилотларнинг дастурий таъминот тизимларида жуда катта инвестицияси бўлиши бу катта мулқдир.
- Бу мулкни бизнесда қийматини сақлаб қолиш учун улар ўзгарилиши ва янгиланиб бориши лозим
- Катта компаниялардаги дастурий маҳсулот маблағининг катта қисми янги дастурий таминот яратгандан кўра мавжуд дастурий таминотни ривожлантириш ва ўзгаришга сарфланади

### Эвалюция ва сервис хизмат

#### Эволюция

---

<sup>1</sup> “Software Engineering”, by Ian Sommerville, pages 235-239

- Бу дастурний таминот ҳаёт циклиниң шундай босқичики бунда у тезкор ошлатышда бўлади ва таклиф қилинган янги талаблар босқичма-босқич шакланади. ҳамда системада амала оширилади.

**Сервис хизмат кўрсатиш**

- Бу босқичда дастурний махсулот фойдали бўлиб қолади лекин фақатгина ўзгаришлар унинг тезлигини ошириш мақсадида қўшилади яъни дастурний таминотда муҳитида хатоларни тўғрилаш ва ўзўзгаришларни тасвирлаш амала оширилади. Янги функциялар эса қўшилмайди.

**Босқичдан чиқиши**

- Дастурний таминот ҳалигача ишлатилади лекин уни ҳосил қилиш учун янги ўзгартиришлар киритилмайди


### **Эволюция жараёни**

Дастурний махсулот эволюсияси қуйидагиларга боғлиқ:

- Сақланиб келаётган дастурний махсулотнинг тури
- Фойдаланилаётган қурилиш жараёни
- Лойиҳага жалб қилинган ишчиларнинг тажрибаси ва қобиляти  
Ўзгаришлар учун таклифлар тизим эволютцияси учун асосий  
хисобланади

Инедтификатсия ва эволюсиянинг ўзгариши тизимнинг бутун ҳаёт цикли мобанида давом этади.

### **Эволюция ва идентификатсия ўзгариш жараёнлари**



2.3-расм. Эволюция ва идентификатсия ўзгариш жараёнлари

### **Амала оширишнинг ўзгариши**

Шакллантирилган амала оширилган ва тест қилинган системани тақорорлантирадиган яратилиш жараёнининг қайтиши (тақороланиши)

Мұхим фарқ шундаки амалға ошириш ўзгаришининг биринчи босқичи ўз ичига дастурни тушунишни олади. айникса бу холат ҳақиқий тизим ташкилотчилари амалға оширишга жавобгар бўлмаганларида содир бўлади. Дастурни тушуниш босқичи давомида сиз дастурнинг тузилиш структурасини, дастурга яхши тасир қиласидан ўзгартиришларни қандай таклиф қилишни ва унинг функциёналлигини қандай таъминлаб беришни тушунишингиз шарт.

### **Зарур ўзгаришлар талаблари**

Зарур ўзгаришлар дастурий инжинеринг жараёнинг барча босқичларида ҳам амалға ошириш шарт бўлмаслиги мумкин

- Жиддий тизим хатоси нормал амалиёт давом этиришга имкон беришни тузатиш керак бўлганда
- Агар система мухити учун кутилмаган таъсирлар бўлса
- Агар тезда жавоб қайтаришни талаб қиласидан бизнес талаблар бўлса.

### **Назорат саволлари**

1. Нима учун дастурий таъминот архитектурасини лойиҳалаш мұхим?
2. Интернетда мусиқалар сотувчи iTunes каби тизимларнинг архитектурасини тузинг.
3. Об-ҳаво станцияси дизайнини ишлаб чиқинг.
4. Қуйидаги обьект синфлари учун UML график нотатсиялардан фойдаланиб дизайнни қуинг.
5. Регрессион тесташ нима?
6. Тестлашнинг дастлабки босқичларида фойдаланувчиларни жалб қилишнинг аҳамияти нимада?
7. Дастурий таъминот эволюцияси нима?
8. Дастурий таъминотни мижозларга етказилганидан кейинги ҳаёт цикли фазаси қандай фаолиятларни ўз ичига олади?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Software Engineering”, by Ian Sommerville, 2015, paGES – 790.
2. Holdener, A. T. (2008). Ajax: The Definitive Guide. Sebastopol, Ca.: ЎReilly and Associates.
3. Abrial, J. R. (2005). The B Book: Assigning Programs to Meanings. Cambridge, UK: Cambridge University Press.
4. <http://www.SoftwareEngineering-9.com>
5. <http://www.pearsonhighered.com/sommerville>

### **3 - маъруза. Дастурий таъминот хавфсизлиги ва ишончлилигининг хусусиятлари. Дастурий таъминот хавфсизлигининг эҳтимоллигини бошқариш (2 соат).**

**Режа:**

- 3.1. Дастурий таъминот ишончлилиги.
- 3.2. Дастурий таъминот хавфсизлиги.
- 3.3. Дастурий таъминот ишончлилиги ва хавфсизлигининг хусусиятлари.
- 3.4. Дастурий таъминот хавфсизлигининг эҳтимоллигини бошқариш.

**Калит сўзлар:** Ишончлилик, хавфсизлик, хусусият, эҳтимоллик, бошқариш, мустаҳкамлик, ҳимояланганлик, барқарорлик, хавф.

#### **3.1 Дастурий таъминот ишончлилиги**

<sup>1</sup>Дастурий таъминот тизимларининг ҳажми ва мураккаблиги ошиб боргани сари, дастурий инжиниринг соҳасида учрайдиган энг муҳим талаб бу - биз тизимга ишонишимиз мумкинлигини таъмилаш эканлиги ойдинлашмоқда. Биз бирор тизимга ишонишимиз учун бу тизим талаб қилинган ишга мос келиши ва бу ишни тўгъри бажариши кафолатланмогъи лозим. Бунинг устига тизим хавфсиз бўлсин, яъни бизнинг РС ларимиз ёки маълумотларимиз бу тизим орқали хавф остида қолмасин. Бизнинг ушбу маърузамиз ишончлилик ва хавфсизлик борасидаги муҳим маълумотларни ўз ичига олади.

Ҳисоблаш тизимлари шахсий ҳайтишимиз ҳамда ишларимизга чукур кириб боргани сари тизим ва дастурий таъминот носозлиги оқибатида келиб чиқадиган муаммолар ҳам ортиб бормоқда. Масалан, электрон тижорат билан шугъулланувчи компаниянинг сервери дастурий таъминотида пайдо бўлган носозлик кўп миқдорда йиллик даромад бой берилиши, мижозларнинг ёъқотилишига сабаб бўлади.

Хозирда дастурий таъминот интенсив тизимлари ҳукumat, компаниялар ва жисмоний шахслар учун жуда ҳам зарур, шунинг учун кенг қўлланадиган дастурий таъминотларга қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири бу ишончлилик бўлади. Дастурий таъминот талаб қилинган вактда жавоб бериши, вазифани тўгъри бажариши ҳамда ауторизатсияланмаган маълумотларни ошкор этилиши каби ишнинг мақсадига тўгъри келмайдиган таъсиrlардан йироқ бўлиши керак. Ўдепендабилитъ яъни ўишончлиликъ

---

<sup>1</sup> “Software Engineering”, by Ian Sommerville, pages 290-295

термини 1995 - йилда Лепрай томонидан тизимининг тайёрлик, мустаҳкамлиқ, хавфсизлик ва ҳимояланганлик хусусиятларини қамраб олувчи атама сифатида таклиф этилган эди.

Куйидаги сабабларда кўра тизимлар ишончлилиги ҳозирда уларнинг барча фунсионаллигидан кўра муҳимдир:

1. *Тизим носозлиги кўп сондаги инсонларга зарар келтиради.* Кўпгина тизимларнинг ички функционаллиги кам ишлатилади. Агар бу функционалликлар яъни хизматлардан бири тизимдан олиб ташланса оз микдордаги фойдаанувчилар зарап кўради. Тизим яроқлилигига зарар етказувчи носозлик эса бу тизимдан фойдаланаётган барча истеъмолчиларга зарар кетириши мумкин. Носозлик вақтида нормал иш юритиб бўлмай қолади.

2. *Фойдаланувчилар одатда мустаҳкам бўлмаган, ҳимояланмаган ёки хавфсиз бўлмаган тизимларни рад этадилар.* Агар фойдаланувчилар тизимни ишончсиз ва ҳимояланмаган деб топсалар, уни ишлатишдан бош тортадилар. Бу нарса эса кейинчалик ушбу тизимни ишлаб чиқарган компаниянинг бошқа маҳсулотларига нисбатан ҳам фойдаланувчилар ишончининг сўнишига олиб келади.

3. *Тизим носозлиги жуда қимматга тушиши мумкин.* Ядро реакторини назорат қилиш ёки аиропланларни бошқарувчи тизимларга ўхшаш тизимлarda пайдо бўладиган носозликлардан келадига зарар, уларни бошқаришга сарфланган харажатлар қийматидан ҳам ўтиб тушади.

4. *Ишончсиз тизимлар ахборот йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин.* Гоҳида ҳисоблаш тизимиға жойлаштирилган маълумотлар шу тизимнинг ўзидан-да қиммат бўлади. Ёъқотилган маълумотларни қайта тиклаш эса янада қиммат туради.

Ишончли тизимни лойиҳалашда қуйидагиларни эътиборга олмоқ лозим:

1. *Аппарат таъминотидаги носозликлар.* Тизим аппарат таъминоти ўзининг қурилишидаги хатолар ёки бирор эҳтиёт қисмнинг ўз вазифасини ўтаб бўлгани сабабидан носозликка дучор бўлади.

2. *Дастурий таъминот носозлиги.* Тизим дастурий таъминоти унинг тавсифидаги, лойиҳасидаги ёки реализатсиясидаги хатоликлар туфайли носоз бўлиб қолиши мумкин.

3. *Фаолиятдаги носозлклар.* Инсонлар тизимдан тўгъри фойдаланишда ва уни тўгъри қўллашда хато қилишлари мумкин. Аппарат

ва дастурий таъминотлар анча мустаҳка бўлган ҳозирги даврда фаолиятдаги носозликлар тизим носозлиларининг кўпчилигини ташкил этади дейиш мумкин.

Бу носозликлар қўпинча бир-бирига бўгъланган бўлади: носоз аппарат таъминоти тизим операторларига қўшимча ишлар юклаши уларни қийин ахволга тушириб қўйиши мумкин. Бу нарса эса улани асабийлашишига сабаб бўлади, инсоннинг асабийлашганида хато қилиши эса табиий ҳолдир. Носоз дастурий таъминот билан ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Ҳисоблаш тизими ишончлилиги - бу тизимга қанчалик ишониш мумкинлигини ўзида акс эттирувчи хусусиятдир. Бу билан ишончлиликни ракамларда ифодалашни кўзда тутмаяпмиз. Балки ну ўринда "ишончсиз", "ишончли", "жуда ишончли" каби атамалар тизим ишончлилигини акс эттириш учун қўлланилади.

Ишончлиликнинг тўртта асосий қисми бор:

1. *Тайёрлик*. Бу хусусият тизим фойдаланувчи талаб қилган ҳар қандай вақтда озъ хизматларини тақдим эта олишидир.
2. *Мустаҳкамлик*. Бу хусусият тизим ўзига берилган вазифани бехато, тавсифларда келтирилганидек бажаришидир.
3. *Ҳимояланганлик*. Бу тизим кишиларга ёки ўз муҳитига қанчалик зиён еказиши мумкинлигини кўрсатадиган хусусият.
4. *Хавфсизлик*. Бу тизимнинг қасдан қилинган ёки тасодифий таҳдидларга қанчалик қаршилик кўрсата олишини акс эттирадиган хусусиятдир.

Бу асосий қисмларга қўшимча равишда қуйидаги хусусиятларни ҳам ишончлиликнинг таркибиغا киритиш мумкин:

1. *Тузатилиши*. Тизим носозликлари муқаррар ҳодисадир, лекин носозлик натижасида келиб чиқсан бузилиш агар тизимни тезда тузатиш имконияти бўлса минималлаштирилиши мумкин. Очик кодли дастурий таъминотларда бу иш анча осон, лекин компоненталарни қайта қўллайвериш буни қийинлаштириши мумкин.
2. *Қўллаб - қувватланиши*. Тизим ишлатилгани сари унга янги талаблар қўтиб борилади, шунинг учун талаблар асосида тизимнинг янги версиялари ишлаб чиқарилиши орқали уни қўллаб-қувватлаш муҳимдир.
3. *Сақланиб қолиши*. Бу Интернетга асосланган тизимлар учун муҳим

хоссадир. Сақланиб қолиш бу - тизимнинг бирор ҳужум остида, ҳатто бирор қисми ўчириб қўйилганда ҳам ишда давом эта олиш хусусиятидир. Албатта бунда минимал хизмат кўрсата олиш назарда тутилмоқда. Сақланиб қолишни кучайтириш учун З та стратегия қўлланилади - ҳужумга қаршилик қилиш, ҳужумни аниқлаш ва ҳужум натижасида кўрилган зиёндан қайта тикланиш.

4. *Хатоларга чидамлилик.* Бунда кўпинча фойдаланувчи хато маълумотлар киритганида, иложи бўлса уларни тузатиш ёъқса фойдаланувчига бу ҳақдаги хабарни етказиш тушинилади.

### 3.2 Дастурий таъминот хавфсизлиги

Биз юқорида хавфсизлик бу тизимнинг ташқи қасдан уюштирилган ёки тасодифий ҳужумлардан ўзнин ҳимоялай олиш хусусияти эканлиги ҳақида сўз юритган эдик. Бу ташқи ҳужумлар муқаррардир, чунки кўпчилик компьютер лар ҳозирда интернетга уланади ва бу билан ташқи томондан нишонга айланиши ҳеч гап эмас. Бундай ҳужумларга вируслар тушиши, тизим хизматларидан рухсатсиз фойдаланиш, тизимга уаторизатсиясиз уланиб унинг маълумотларини ўзгартириш кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Агар сиз ҳақиқатдан хавфсиз тизимда ишлашни хоҳласангиз, унда яхиси интернетга уланмай қўя қолинг. Шунда агар autorizatsiya қилинган фойдаланувчилар ишончли бўлса сизнинг хавфсизлик бўйича муаммоларингиз ўз ечимини топади. Амалда эса катта тизимлар онлине режимида ишлагани учун юқори даражада фойда кўрадилар, интернетдан узилиш улар учун даромадларнинг кескин пасайишига сабаб бўлади.

Кўпгина тизимлар учун хавфсизлик бу ишончлиликнинг асосий мезонидир. Ҳарбий тизимлар, электрон савдо учун яратилган тизимлар ҳамда ўта маҳфий маълумотларга ишлов бериш билан шугъулланувчи тизимлар юқори даражада хавфсизлик таъминланган ҳолда лойиҳалаштирилиши зарур. Масалан, агар ҳаво тарнспортларига чипталарни буюртма қилувчи тизимда тайёрлик хусусияти паст бўлса, бу ишончнинг йўқолиши ҳамда баъзи чипталардаги кечикишга сабаб бўлиши мумкин. Агар бу тизим хавфсизлиги паст бўлса унда ҳужум қилувчилар унга кириб барча буюртмаларни ўчириб ташлашлари, бунинг натижасида эса нормал ҳаво ёъллари ҳаракатларини давом эттиришга имконият бўлмай қолиши мумкин. Ишончлиликнинг бошқа қисмлари каби хавфсизлик ҳам ўзининг маҳсуз атамаларига эга.

Пфлегоер томонидан муҳим атамалар қўйидагича таърифланади:

Мулк ( ассет ) - ҳимояланадиган ва бирор қийматга эга бўлган нарса.

Мулк бу дастурний таъминот тизимининг ўзи ёки бу тизим томонидан ишлатиладиган маълумот бўлиши мумкин.

Заарланиш ( exposure ) - Ҳисоблаш тизими зараланиши ёки ундаги элементлар ёъқотилиши бўлиши мумкин. Бунда заар ёки ёъқотиш маълумотларда, вақтда ёки хавфсизлик бузилганда кейинги тиклаш ишларига кетган меҳнатда кўринади.

Заиф ҳимояланганлик ( vulnerability ) - Ҳисоблаш тизими заифлиги, бундан фойдаланиб тизимга заар уетказилиши мумкин.

Хужум ( attack ) - Тизимнинг ҳимояси заифлигидан фойдаланиб қолиш. Одатда бу ташқи тарафдан бўлади ва бунда заар қасдан етказилиши назарда тутилади.

Таҳдидлар ( threats ) - заар уетказиши мумкин бўлган ҳолатлар, вазият ва шароитлар. Буларга тизимга хужум учун ёъл очиб берувчи заиф ҳимояга қарагандек қараш лозим.

Назорат ( Control ) - тизим ҳимояси заифлигини кетказувчи чора. Бунга шифрлашни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ихтиёрий тармоқقا уланган тизимда, уч хил асосий хавфсизликка қилинадиган таҳдидлар учрайди:

1. *Тизим ва унинг маълумотлари маҳфийлигига таҳдидлар.* Булар ахборотларнинг ауторизатсиядан ўтмаган шахслар ёки дастурларга очилишига сабаб бўлиши мумкин.

2. *Тизим ва унинг маълумотлари соғлигига таҳдид.* Бу таҳдидлар дастурний таъминот ёки маълумотларга заар еказиши, уларни бузиши мумкин.

3. *Тизим ва унинг маълумотлари тайёрлигига таҳдидлар.* Бу таҳдидлар ауторизатсиядан ўтган фойдаланувчиларга рухсатларни чегаралаб қўйиши мумкин.

Албатта бу таҳдидлар ўзаро ички боғъланишга эга Агар хужум тизим тайёрлигига заар етказса, унда сиз вақт ўтиши билан ўзгариб турадиган ахборотларни янгилай олмайсиз. Бу ўз навбатида тизим соғлигини ёъққа чиқаради. Шундай қилиб заарлар бир - бирига уланиб кетади.

Амалда, сотсиалтехник тизимлардаги кўпчилик ҳимоя заифлиги техник муаммолардан кўра кўпроқ инсонларнинг хатолари натижасида пайдо

бўлади. Одамлар осон пароллар танлайдилар, ёки паролларини топиб олиш осон бўлган жойларга ёзиб қўядилар, тизим администраторлари рухсатларни белгилашда ёки файлларни жойлаштиришда хато қиласидилар бундан ташқари фойдаланувчилар ҳимояловчи дастурий таъминотларни қўлламайдилар.

Сиз тизим хавфсизлигини кучайтириш учун қўйишингиз мумкин бўлган назоратлар қўйидагилардир:

1. *Ҳимоя заифлигидан четланиши*. Қилинаётган хужумлар муваффақиятсиз бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун қўйиладиган назоратлар. Бу ерда стратегия тизимни хавфсизликка оид муаммолардан четда лойиҳалашдан иборат. Масалан, ҳарбий тизимлар маҳаллий тармоқларга уланмаган бўлади, шунинг учун уларга ташқи кириш ёъллари беркдир. Маълумотларни шифрлашни ҳам бу турдаги назоратларга киритиш мумкин. Шифрланган маълумотга ҳар қандай ауторизатсијасиз киришда, бу маълумот хужумчилар томонидан ўқиб бўлмайдиган кўринишда бўлади. Амалда, кучли шифрланган маълумотларни дешифрлаш кўп вақт талаб қиласи ва қимматга тушади.

2. Ҳужумни аниқлаш ва уни бартараф этиш. Бу турдаги назоратлар хужумларни аниқлаб уларни ёъқ қилишга мўлжалланган. Бу назоратлар тизимда бажарилаётган амалларни кузатиб турари ва гъайриоддий ҳолатни аниқлагандан чора кўради: тизимнинг ушбу қисмини ўчириб қўйиши ёки аниқланган фойдаланувчига кириш йўлини ёпиб қўйиши мумкин.

3. Чегаралар қўйиш ва тиклаш. Бу назоратлар муаммолардан кейин қайта тикланишни қўллаб-кувватлайди.

Талабга жавоб берадиган хавфсизликсиз, биз тизимнинг тайёрлиги, мустаҳкамлиги ҳамда ҳимояланганлигига ишонолмаймиз.

Тизимни ишлаб чиқаришдаги хатоликлар кейинчалик хавфсизликни айланиб ўтилишига олиб келиши мумкин. Агар тизим кўзда тутилмаган кирувчи параметрларга жавоб бермаса ёки киритилаётган массив кўриниишидаги маълумотларнинг чегараси аниқланмаса, хужумчилар бу заифликлардан тизимга рухсатсиз кириш учун фойдаланишлари мумкин. Асосий хавфсизлик бузилиш ҳодисалари ушбу заифликлар орқали келиб чиқади. C++ тилида тузилган дастурлар массив чегарасини текширишни ўз ичига олмайди, бу эса тизимга рухсатсиз кириш орқали хотиранинг бирор қисмини қайта ёзишга имкон яратади.

### **3.3 Дастурий таъминот ишончлилиги ва хавфсизлигининг хусусиятлари**

Тизимнинг ишончлилиги аппарат таъминот ишончлилиги, дастурий

таъминот ишончлилиги ҳамда тизим операторлари ишончлилигига боғлик. Тизим дастурий таъминоти бу ерда алоҳида ўрин тутади. Бу ўз ичига дастурий таъминот носозлигини қопладиган талабларни олиш билан бирга оператор ҳамда аппарат ишончлилик талабларига бөгълиқ бўлиб аппаратдаги носозликлар ҳамда оператор хатоларини аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

Ишончлилик хавфсизлик ҳамда ҳимояланганликдан фарқли равишда тизимнинг ўлчаса бўладиган хусусиятдир. Тизим ишончлилик даражасини тавсифлаш мумкин, бирор вақт даомида тизим амаллари кузатиб турилади, ҳамда талаб қилинган ишончлиликка эришилган бўлса бу белгилаб қўйилади. Масалан, ишончлиликка қуйидагича талаб қўйиш мумкин: тизим қайта юкланишига сабаб бўладиган тизим носозлиги ҳафтада бир мартадан ортиқ рўй бермасин. Айтилган носозлик ҳар рўй берганда сиз бундан хабар топасиз ҳамда белгилаб қўясиз, шундай қилиб талаб этилган ишончлиликка эришилдими ё ёъқми билиб оласиз. Агар эришилмаган бўлса ишончлилик талабларини қайта кўриб чиқасиз ёки тизимдаги муаммоларни тузатишга киришасиз. Сиз паст даражадаги ишончлиликка ҳам рози бўлаверишингиз мумкин, чунки ишончлиликни ошириш учун тизимга киритиладиган ўзгартиришлар жуда қимматга тушиши мумкин.

#### Ишончлилик талаблари иккига бўлинади:

1. Нофункционал талаблар. Булар тизим нормал ишлаб турганида ёки тизим ишга тайёр бўлмаганида қабул қилиниши мумкин бўлган носозликлар сонини аниқлайди.
2. Функционал талаблар. Булар тизим ва дастурий таъминотнинг дастурий таъминот нуқсонларини четлатиш, аниқлаш ва уларга бардош бериш функцияларини аниқлайди ва бу нуқсонлар тизим носозлигига олиб келмаслигини таъминлайди.

Ишончлилик талаблари шунга бөглиқ бўлган функционал тизим талабларига ёъл очади. Бирор даражадаги ишончлиликка эришиш учун бу тизимнинг функционал ҳамда лойиҳавий талаблари аниқланадиган хатоликларни ҳамда улар тизим носозлигига олиб келмаслигини таъминлаш учун кўриладиган чораларни тавсифламогъи лозим.

Умуман олганда тизим ишончлилигини ўша тизим бирор операцион мухитда ишлатилганида тизим носозлиги рўй бериши эҳтимоли билан тавсифлаш мумкин. Масалан 1000 та ихтиёрий хизматдан биттасида носозлик рўй берса унда носозлик эҳтимоллиги 0.001 бўлади. Албатта бу ҳар 1000 та амалда, аниқ битта носозлик учрайди дегани эмас. Бу агар сиз 1000 \*

Н та амални кузатсангиз шунда носозликлар сони N атрофида бўлади деган маънони англатади.

Ишончлиликтин тавсифлаш учун иккита асосий миқдордан ва бунга қўшимча равишда ишончлилика бўглиқ бўлга хусусият тайёрликни тавсифлаш учун яна битта миқдордан фойдаланилади:

1. *Талаб қилинган носозлик эҳтимоллиги - Probability of failure on demand (POFOD)*. Агар сиз бу миқдорни қўлласангиз, унда тизим томнидан бирор хизмат учун белгиланган тизим носозлиги эҳтимоллигини натижা сифатида оласиз. Шундай қилиб POFOD = 0.001 ифода талаб бажарилганида носозлик рўй бериши имконияти 1/1000 га бўлишини кўрсатади.

2. *Носозликлар содир бўлиши даражаси - Rate of occurrence of failures (ROCOF)*. Бу бирор вақт давомида ёки бирор сондаги амаллар бажарилиш жараёнини кузатиш давомида қайд этилган носозликлар сони билан белгиланади. Масалан бир соатда иккита носозлик юз берса унда носозлик юз бериш оралиғи ярим соат бўлади.

3. *Тайёрлик -Availability (AVAIL)*. Тизимнинг тайёрлиги сўровлар жўнатилганида хизматларни етказиб беришида акс этади. Масалан AVAIL = 0.9999 бу тизим ҳар вақт амалларни бажаришга 99.99% тайёр дегани.

Тизимларнинг хавфсизлигига қўйиладиган талаблар тавсифи бир жиҳатдан олиб қараганда ҳимояланганлик талаблари билан умумийдир. Шундай бўлса ҳам хавфсизлик ҳимояланганликка қараганда муҳимроқ муаммодир. Бунинг сабаблари қўйидагича:

1. Ҳимояланганликни олиб қарайдиган бўлсак, сиз тизим ўрнатилган муҳитни «душман» сифатида қарамаслигингиз мумкин. Ҳеч ким ҳимояланганлик томонидан муаммо чиқаришга уриниб кўрмайди. Аммо хавфсизлик тарафдан ёндашув мутлақо бошка натижага олиб келади. Бунда ташқаридан тизимнинг заиф нуқталаридан яхшигина хабардор қандайдир гъаразли кимса тизимга ташқи томондан таъсир ўтказишга ҳаракат қиласди.

2. Агар носозлик ҳимояланганлиқдаги таваккалчиликдан келиб чиқса, сиз носозликка сабаб бўлган хатоларни ва бўшлиқларни кўришингиз мумкин. Ташқи ҳужумлар тизим носозлигини келтириб чиқарганида эса, илдизни топиш қийинлашиб кетади. Чунки ҳужумчилар носозлик сабабини яширишга интиладилар.

3. Одатда тизимни ўчириб қўйиш, ёки унинг бирор хизматларини

түхтатсих ҳимояланганлик бузилиши натижасида пайдо бўлган носозликлар учун энг маъқул ечимлардан ҳисобланади. Ташқи ҳужумлар эса кўпинча тизимни ўчириб қўйишга ёъналтирилган бўлади. Тизим ўчириб қўйилса ҳужум муваффақиятли якунланибди деб ҳисоблайверинг.

4. Ҳимояланганлик билан бўғлиқ ҳаракатлар ақлли «душман» томонидан амалга оширилмайди. Ташқи томондан ҳужум қилувҳчи шахс эса бир қанча тизимларга ҳужум қилиб тажриба орттирган бўлиши, тизим ва унинг жавоблари ҳақида эга бўлган билимларини қўллаб ўз ҳужумларини ўзгартириб туриши мумкин.

Юқоридагилардан хавфсизликка қўйиладиган талабларнинг ҳимояланганлик талабларига нисбатан нечогълик кенг микёсда бўлишини кўришимиз мумкин. Қиёслашлар натижасида, тизимга дуч келадиган турли таҳдидларни ўз ичига қамраб оловчи бир неча тур хавфсизлик талабларини келтириш мумкин. Firesmith ( 2003 - йили ) тизим тавсифида мавжуд бўлиши мумкин бўлган 10 та хавфсизлик талабларини келтиради:

1. Идентификатция талаблари. Тизим ўз фойдаланувчилари билан мулоқотга киришишдан олдин улар идентификатция қилинган ё қилинмаганини тавсифлайди.
2. Аутентификатция талаблари. Фойдаланувчилар қандай идентификатцияланганини тавсифлайди.
3. Авторизатсия талаблари. Идентификатцияланган фойдаланувчининг имтиёzlари ва кириш рухсатларини тавсифлайди.
4. Қарши туриш (иммунитет) талабари. Тизим вируслар, вормлар ва шунга ўхшаш таҳдидлардан ўзини қандай ҳимоялашини кўрсатади.
5. Софлик талаблари. Маълумотлар бузилишидан қандай сақланиш мумкинлигини кўрсатади.
6. Рухсатсиз киришни аниқлаш талаблари. Тизимга қилинаётган ҳужумларни аниқлашда қандай механизм қўлланишини кўрсатади.
7. Рад этилмаслик талаблари. Бирор хизмат аъзоларидан бири хизматнинг ўзига тегишли қисмини инкор этмаслигини кўрсатади.
8. Сир сақлаш талаблари. Маълумотларни сир сақлаш қандай қўллаб-қувватланишини кўрсатади.
9. Хавфсиз назорат талаблари. Тизимдан фойдаланиш қандай кузатилиши ва текширилиши мумкинлигини кўрсатади.
10. Тизимни қўллаб-қувватлашнинг хавфсизлиги талаблари. Илова

қандай қилиб хавфсизлик механизмидаги тасодифий муваффакиятсизликтан сўнг авторизатцияда юзага келадиган ўзгаришлардан сақланишини кўрсатади.

Албатта сиз юқоридаги хавфсизлик талабларнинг ҳар бирини барча тизимларда ҳам учратавермайсиз. Бу талабларнинг қўлланиши тизим турига, ундан фойдаланиш ҳолатига ва ундан фойдаланиши мумкин бўлган истеъмолчиларга боғлиқдир.

### ***3.4 Дастурий таъминот хавфсизлигининг эҳтимоллигини бошқариши***

Дастурий таъминот хавфсизлигининг эҳтимоллигини баҳолаш ва бошқариш самарали хавфсиз механизм қуришда жуда муҳимдир. Эҳтимолликни бошқариш тизим мулкига ҳужум натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ёъқотишларни баҳолаш ҳамда бу ёъқотишларни уларни ёъқотиши мумкин бўлган хавфсизлик хизмати қиймати билан мувозанатлаштириш ишлари билан ҳам узвий bogъliqdir. Кредит карточка компаниялари буни ҳар доим амалга оширадилар. Кредит карточкалардаги товламачиликларни ёъқотиш учун янги технологиялар ишлаб чиқиши нисбатан осон ишдир. Шунга қарамай, товламачиликка ёъл қўймайдиган тизимни сотиб олиш ва уни ўрнатишдан кўра компанияларга фойдаланувчиларининг заарларини қоплаш учун товламачиликдан кўрилган зиённи қоплаб бериш арzonга тушади. Йўқотиш ва ҳужумлар қийматига қараб бу мувозанат бузилиши мумкин.

Эҳтимолликни бошқариш техник ишлардан кўра тадбиркорлик ишларига яқинроқдир. Дастурий таъминот муҳандислари тизимда қандай назоратлар ўрнатилиши ҳақида қарор қабул қилмайдилар. Хавфсизлик тизими қийматини қабул қилиш ёки натижаларни хавфсизлик хизматларидан маҳрум қилиш бўйича қарорни юқори менежмент қабул қиласди. Шунга қарамасдан дастурий таъминот муҳандисларининг техник ёъриқномалар бериш ҳамда хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш йўлларини кўрсатишдаги роллари бекиёсдир. Шунинг учун ҳам улар эҳтимолли ҳолатларни бошқариш жараёнида асосий иштирокчилардан бўлиб қолаверадилар.

Эҳтимолликни баҳолаш тизим қурилишидан олдин бошланади, тизим ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда тизим истеъмолга чиқарилганда ҳам у давом этаверади. Эҳтимолликни баҳолаш уч босқичдан иборатдир:

#### ***1. Дастлабки эҳтимолликни баҳолаши. Preliminary risk assessment.***

Бу босқичда ҳали тизимга қўйилган барча талаблар, тизим архитектураси ёки реализатсияси борасида ҳали қарор қабул

қилинмаган бўлади.

**2. Яшаш циклидаги эҳтимолликни баҳолаши.** *Life-cycle risk assessment.* Бу эҳтимолликни баҳолаш тизимни ишлаб чиқиш яшаш цикли давомида амалда бўлади ҳамда тизимнинг техник архитектураси ва реализатсия ҳақидаги қарорлардан маълумотларни қабул қиласди.

**3. Фаолиятдаги эҳтимолликни баҳолаши.** *Operational risk assessment.* Тизим ишлаб чиқарилгани ва истеъмолга чиқарилганидан сўнг, фойдаланувчиларга тизим қандай қўлланишини кўрсатиш ҳамда янги ва ўзгарган талабларга мос равища таклифлар киритиш учун керак. Фаолиятдаги талабларга доир тахминлар тизим нотўғъри тавсифланганда қилинади. Ташкилий ўзгаришлар тизим асл режадан ташқари мақсадларда қўлланилаётганини кўрсатади. Фаолиятдаги эҳтимолликларни баҳолаш тизим ривожлангани сари унга янги хавфсизлик талабларини қўйишга олиб келади.

Эҳтимолликларни баҳолаш учун сизи аввало тизимга дуч келиши мумкин бўлган таҳдидларни аниқлаб олишингиз лозим. Буни амалга оширишнинг бир йўли "нотўғри ҳолатлар" (*misuse cases*) тўпламини ишлаб чиқишидир. "Нотўғри ҳолатлар" бу тизим билан тизимга заарли бўлган ўзаро таъсиrlарга киришдиган ҳолатлардир. Сиз бу ҳолатларни мумкин бўлган таҳдидларни аниқлаш ва уларни муҳокама қилишда қўллашингиз, бинобарин бундан тизим хавфсизлигига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишида фойдаланишингиз мумкин. Pflegeer таҳдидларни мумкин бўлган нотўғъри ҳолатларни аниқлашда бошлангъич нуқта бўлиши мумкин бўлган тўртта бўлим остида акс эттиради. Булар қуйидагилар:

1. Кўриб олиш ҳужумлари. Ҳужум қилувчига тизим ва унинг маълумотларига кириш йўлини очади.
2. Узиб қўйиш ҳужумлари. Булар ҳужум қилувчиларга тизимнинг бирор қисмини тайёрлик ҳолатидан чиқариш имконини беради.
3. Ўзgartириш ҳужумлари. Бу ҳужумлар натижасида ҳужум қилувчи тизимнинг муҳим маълумотларини ўзgartириш имкониятига эга бўлиши мумкин.
4. Сохталаштириш ҳужумлари. Булар ҳужум қилувчига тизим ичига нотўғъри ахборотлар киритиш имконини беради.

Фаолият давомида эҳтимолликларни баҳолаш. Дастурий таъминот хавфсизлиги эҳтимоллигини баҳолаш ва уни бошқариш, бу маҳсулот яшаш циклидан кейин ҳам давом этиши мумкин. Чунки вакт ўтиши билан янги эҳтимолли ҳолатлар пайдо бўлади ва тизим улар билан кураша олиши учун

унга ўзгартириш киритилиши мумкин. Мана шу жараён фаолият давомида эҳтимолликларни бошқариш дейилади. Янги эҳтимолли ҳолатлар тизимга қўйилган талаблар ўзгариши натижасида келиб чиқиши мумкин. Чунки тизимга қўйилган талаблар ўзгариши тизим инфраструктураси ўзгаришига ёки тизим қўлланилаётган муҳитнинг ўзгаришига сабаб бўлади.

Фаолият давомида эҳтимолли ҳолатларни бошқариш, яшаш циклида эҳтимолликларни бошқаришга ўхшайди, бироқ қўшимча равишда тизим ишлатилаётган муҳит ҳақидаги ахборотларни ҳам ўз ичига олади. Муҳитнинг хусусиятларини билиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар янги эҳтимолли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

## **Назорат саволлари**

1. Тизим ишончлилигининг асосий олти асосий хусусиятини айтинг.
2. Тизимда учраши мумкин бўлган носозликлар турларини сананг.
3. Нима учун мустаҳкамлик талаблари ошгани сари тизим ишончлилигини таъминлашнинг қиймати фавқулодда тез кўтарилиб кетади?
4. Тизим мустаҳкамлигига қандай эришилади?
5. Мустаҳкамлик ва хавфсизлик ўзаро боғлиқ бўлган ишончлилик хусусиятларидир, айни пайтда улар алоҳида хусусиятлардир. Улар орасидаги энг муҳим фарқни баён қилинг.
6. Хавфнинг жиддийлиги қандай баҳоланади?
7. Ҳимояланганлик и қандай мезонлар асосида баҳоланади?
8. Ҳимояланганликдаги таҳдид ва ҳужум тушунчалари қандай фарқланади?
9. Илова даражасидаги ҳамда инфраструктура даражасидаги ҳимояланганлик би-биридан қандай фарқ қиласи?
10. Тизимда юзага келадиган носозликларнинг катта қисми қайси турдаги тизим носозликлари ташкил этади?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Software Engineering”, by Ian Sommerville, 2015, paGES – 790.
2. Holdener, A. T. (2008). Ajax: The Definitive Guide. Sebastopol, Ca.: ЎReilly and Associates.
3. Abrial, J. R. (2005). The B Book: Assigning Programs to Meanings. Cambridge, UK: Cambridge University Press.
4. <http://www.SoftwareEngineering-9.com>
5. <http://www.pearsonhighered.com/sommerville>

## **4 - маъруза. Дастурий таъминотни бошқариш (4 соат).**

### **Режа:**

- 4.1. Лойиҳани бошқариш.
- 4.2. Лойиҳани режалаштириш.

**Калим сўзлар:** *Бошқариш, режалаштириш, сарф ҳаражат, талаб, таклиф, мижоз, бизнес, номоддий, лойиҳа, баҳолаши, башорат, таҳлиллаши.*

Ушбу маърузанинг мақсади дастурий таъминотни бошқаришнинг иккита асосий турлари, яъни хавфни бошқариш ҳамда одамларни бошқариш турлари ҳақида маълумот бериш.

### **4.1. Лойиҳани бошқариш.**

<sup>1</sup>Лойиҳани бошқариш дастурий инжинирингнинг муҳим қисми ҳисобланади.Лойиҳани бошқариш аниқ жадваллар асосида кетиши учун уни проффесионал даражада амалга ошириш керак бўлади. Бунда лойиҳани бошқарувчинининг ўрни катта .унинг асосий вазифаси лойиҳани бажаришда вужудга келадиган чекловларни аниқлаш ҳамда бартараф этишдан иборат. Лойиҳани бошқаришни бир нечта муввофиқиятли мезонлари мавжуд улар қўйидагилар.

1. Лойиҳани белгиланган вақт ичида мижозга етказиш.
2. Умумий нархни бюджетга мос ҳолда сақлаш.
3. Мижознинг талабларига мос ҳолда лойиҳани бажариш .
4. Яхши фаолийт олиб борувчи гурух билан ишлаш.

Юқорида берилган мезонлар мезонлар дастурий инжинирингда ягона мезонлар ҳисобланмайди. Дастурий таъминотни бошқариш қийин бўлганлиги учун уни бажаришда бир нечта асосий тушунчаларни билиш талаб этилади.

1. Дастурий маҳсулот номоддий ҳисобланади:

Лойиҳани бажаришда менежер йўлбошли ҳисобланади.Агар лойиҳанинг бирон қисмида камчилик кўзатилса бу бутун лойиҳа структурасига тасир этади.

Дастурний таъминот номоддий бўлганлиги учун уни қўриб ҳам ушлаб ҳам бўлмайди.Дастурний таъминот менежерлари лойиҳа қандай тарзда

---

<sup>1</sup> “Software Engineering”, by Ian Sommerville, pages 594-595

кетаётганлигини оддий кузатиш орқали аниқлай олмайдилар. Шунинг учун улар бошқа далилларга таяниб жараёнларни назорат қиласидилар.

2. Катта дастурий лойихалар кўпинча “one off” лойихалар ҳисобланишади.

Катта дастурий лойихалар оддий лойихалардан анча фарқ қилишади. Шунинг учун ушбу лойиха менежерлари бу лойихаларда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлашга қийналадилар. Компьютерлардаги техник ўзгаришлар ва улар ўртасидаги алоқалар менежернинг ишини кучайтиради.

3. Дастур жараёнлари ўзгарувчан ҳамда аниқ ташкиллаштирилган.

Муҳандислик жараёнлари баъзи бир системаларда хусусан кўприк ҳамда биноларнинг структурасида тушунарли бўлишади. Лекин дастурий жараёнларни лойихлаш бундан мустасно. Чунки ҳеч бир менежер аниқ бир дастурий лойиха жараёнларини ривожлантиришда қачон муаммоларга дуч келишини башорат қилишга қодир эмас.

#### **4.2. Лойихани режалаштириш.**

Дастурий лойихалар менежерлари учун аниқ стандарт вазифалар таснифини келтириш мушкул.чунки менежерларнинг ишлари ташкилотлар ҳамда дастурий маҳсулотларнинг ишлаб чиқишига қараб ўзгаради.

Шунга қарамасдан кўп менежерлар қўйида келтирилган ҳаракатланинг баъзиларига ёки ҳаммасига жавобгар бўлишади:

##### **1. Лойихани режалаштириш.**

Лойиха менежерлари лойихани ртежалаштириш,улани аниқлаш ҳамда гуруҳдаги одамларга ўзларининг вазифаларини бўлиб беришга жавобгар бўлишади. Улар вазифаларни талабларга мос ҳолда бажарилишини мониторинг қилишади ва ишнинг белгиланган вақт ичida бориши ҳамда бюджетга мослигини назорат қилишади.

##### **2. Ҳисобот бериш.**

Лойиха менежерлари бажарилаётган ишларни қай даражада кетаётганли ҳақида мижозга ҳамда компания менежерларига ҳисобот беришга мажбур .

Улар техник ахборотлардан тортиб бошқариш хulosаларигача болган босқичларда маълумот беришга мажбур. Улар бу маълумотларни лойиха

жараёнлари кетаётган пайтда боришилари шарт.

### **3. Хавфни бошқариш.**

Лойиха менежерлари лойихага таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавфларни баҳолашлари, уларни мониторинг қилишлари шунингдек муаммо кучайганда улар устида иш олиб боришилари керак бўлади.

### **4. Одамларни бошқариш.**

Лойиха менежерлари лойихани бажараётган гурӯҳ одамлари устидан назорат олиб боришилари керак бўлади.

### **5. Тақдим ёзиш.**

Дастурий таъминотни лойихалашнинг биринчи босқичи лойиха бўйича шартномани ютиш учун тақдим ёзишга жалб қиласди. Тақдим ўз ичига лойиханинг мақсади ва уни қандай олиб борилишини олади.

## **Хавфни бошқариш**

Хавфни бошқариш бу менежер учун лойихани бошқаришдаги энг муҳим вазифа ҳисобланди. Хатарлар лойихага таҳдид соладилар.

Хатарларни учта турга бўлиб кўрсатиш мумкин:

#### **1. Лойихадаги хатарлар.**

Булар шундай хатарларки, улар лойиха графигига ҳамда лойиха ресурсларига таъсир қиласди. Бунга мисол қилиб лойиха дисайнерининг юқолишини келтириш мумкин. Агар дизайнер кетса унинг ўрниг бошқа тажрибали дизайнер топишга кўп вақт кетади.

#### **2. Маҳсулотдаги хатарлар.**

Бу шундай хатарларки, улар маҳсулотнинг сифатига ҳамда лойиха имкониятларига таъсир кўрсатади. Бунга мисол қилиб қабул қилинга компонентларнинг тартибдан чиқиб кетишини кўрсатиш мумкин.

#### **3. Бизнес хатарлар.**

Бу шундай хатарларки, улар ташкилотнинг дастурий таъминот жараёнларига ҳамда уларни ривожлантиришларига тасир кўрсатади. Бунга мисол қилиб рақобатчиларнинг шунга ўхшаш янги лойихани тақдим этишлари киради.

Лойиха менежерлардан лойихани режалаштиришдаги хатарлар оқибатларини таҳлил қилиш талаб қиласди. Хатарларни эффектив бошқариш бу юзага кеилиши мумкин бўлган хатарларни аниқлаш ҳамда

уларни ечишнинг самарали йўлини топишидир. Лойиҳага тасир кўрсатадиган шундай муайян хавф-хатарлар борки, улар лойиҳа ҳамда дастурий таъминот яратилаётган ташкилот муҳитига боғлиқ бўлади. Бироқ шундай хавф-хатарлар борки улар яратиулаётган дастурий таъминотнинг турига боғлиқ бўлмайдилар ва уларга ҳар қандай лойиҳаларда дуч келиш мумкин бўлади. Бундай хавф-хатарларнинг баъзи кўп учрайдиган қўринишлари қўйидаги жадвалда келтирилган:


Лойиҳа, маҳсулот ва бизнесга бўлган кўп учрайдиган хатарларга мисоллар.

Жадвал-4.1

Хатарлар	Таъсир кўрсатади	Таснифи
<b>Ходимлар айланмаси</b>	Лойиҳа	Тажрибали ходим лойиҳани тугашидан олдин тарк этиши.
<b>Ўзгаришларни бошқариш</b>	Лойиҳа	Бу ташкилий бошқаришнинг турли хил үстуворлик билан ўзгариши
<b>Аппарат воситаларининг йўқлиги</b>	Лойиҳа	Лойиҳага зарур бўлган аппарат воситаларининг оз вақтида келмаслиги
<b>Талаблар ўзгариши</b>	Лойиҳа ва маҳсулот	Талабларга кутилгандан кўп миқдорда ўзгаришлар киритиш
<b>Хусусиятларнинг кечикиши</b>	Лойиҳа ва маҳсулот	Муҳим инерфейсларнинг хусусиятларини жадвалда бўлмаслиги
<b>Ҳажмни баҳоламаслик</b>	Лойиҳа ва маҳсулот	Система ҳажмига етарлича баҳо беролмаслик
<b>“CASE” воситаларининг қониқарсизлиги</b>	Лойиҳа	Лойиҳага ёрдам берадиган CASE воситаларининг кутилган даражада амалга оширмаслиги
<b>Технологиялар ўзгариши</b>	Бизнес	Дастур ёзилган технологияларнинг янги технологиоялар билан алмашиши.

<b>Лойиҳага рақобат</b>	Бизнес	Рақобатбардош маҳсулотнинг лойиҳа тугашидан олдин бозорга чиқиши
-------------------------	--------	------------------------------------------------------------------

Хавф-хатар жараёнларинин бошқариш чизмаси қуидаги расмда келтирилган:



Расм-4.2 Хатарларни бошқариш жараёни.

Хатарларни бошқариш жараёни бир нечта босқичларни ўз ичига олади:

1. Хатарни аниқлаш. (risk identification) - бўлиши мумкин бўлган лойиҳавий, маҳсулот ва бизнес хатарларни аниқлаш.
2. Хатарни таҳлил қилиш. (risk analysis) – хатарларнинг бўлиш эҳтимолини ҳамда оқибатини баҳолаш.
3. Хатарларни режалаштириш. (risk planning)- хатарлардан қутилиш ёки таъсирини камайтириш учун режалар тузиш.
4. Хатарларни мониторинг қилиш. (risk monitoring) хатарларни назорат қилиш ҳамда бунга қаршио тузилган режаларда камчилик кўзатилса бартараф этиш.

### Хатарларни таҳлиллаш

Хатарларни аниқлаш жараёнида олдиндан ҳар бир аниқланган хатарлар учун хукм сиқарилиши керак бўлади. Хатарларнинг содир бўлиш эҳтимоли ва унинг қандай даражада хавф тугдиришини олдиндан баҳолаши керак бўлади.

## Хатарларни бошқариш стратегиялари

ХАТАРЛАР	СТРАТЕГИЯЛАР
<b>Ташкилий молиявий муаммолар</b>	Юқори бошқарувга лойиҳани мақсадға эришда қандай мұхим ҳисса құшаётгандығы ҳамда лойиҳага берилған маблағни қисқартырса самарасиз бўлишига сабаблар келтирилған ҳолда каталог ҳужжатларни тайёрлаш
<b>Ходимларни ишга ёллаш муаммолари</b>	Мижозга қийинчиликлар ҳамда кечикишлар ҳақида хабар бериш, компонентларни сотиб олишни назорат қилиш
<b>Ходимлар бетоблиги</b>	Ходимларни бир-бируни ишларини тушунадиган қилиб ташкилларштириш
<b>Нуқсонли қизимлар</b>	Нуқсонли қисмларни янги компонентлар билан алмаштириш
<b>Талаблар ўзгариши</b>	Талаблар таъсирини баҳолаш ҳамда ўзгартыриш учун максимал даражада кераксизмаълумотларни камайтириш
<b>Ташкилий қайта қуриш</b>	Юқори бошқарувга лойиҳани бизнез йўлиода мақсадға эришда қандай мұхим ҳисса құшаётгандығы ҳақида каталог ҳужжатларни тайёрлаш
<b>Маълумотлар базаси билан ишлаш</b>	Юқори даражада ишловчи маълумотлар базасини излаш
<b>Лойиҳа яратилиш вақтининг қисқарилиши</b>	Янгио қисимлар сотиб олиш ҳамда яратувчи дастурлар излаҳ

Юқоридаги жадвалда хатарларни бошқариш стратегиялари кўрсатлиган бўлиб, уларни учта категорияга бўлиш мумкин.

1. Олдини олиш стратегияси:

Бунда хатарларнинг содир бўлиш эҳтимолини йўқ қилади. Мисол қилиб нуқсонли қисмларни алмаштириш стратегиясини келтириш мумкин.

2. Минималлаштириш стратегияси:

Бунда хатарларнинг оқибатлари минималлаштирилади. мисол қилиб bemor ходимларнинг ишини бошқа wу ишни биладиган ходимга бериб туришни келтириш мумкин.

3. Фавқулотдаги режалар:

Бу шуни кўрсатадики, хатарни олдини олиш учун ҳар қандай нарсага таёр бўлади менежер. бунга мисол қилиб ташкилий-молиявий муаммолар устидан қилинадиган стратегияларни кўрсатиш мумкин.

Келаётган хатарларга ўз вақтида унга қарши стратегия қўллаш талаб этилади. Лойиха менежери ушбу лойиха ёки маҳсулотга келадиган хатар оқибатларини яхшилаши керак бўлади.

Жадвал-4.4

Хатарлар индикатори

Хатар турлари	Потенсиал кўрсаткичлари
Технология	Аппарат воситаларининг ёки ёрдамчи дастурларнинг кечиктирилиши
Ходимлар	Ходимларнинг молиявий келиб чиқишига қараб муносабат қилишлари
Ташкилий	Ташкилий ғийбатлар; бошқарувчиларнинг кам ҳаракатда бўлиши
Қурилмалар	жамоа аъзоларининг Қурилмаларни ишлатишни истамасликлари
Талаблар	Кўп талаблар сўроқларни ўзгартириши, мижозлар шикоятлари
Баҳолаш	Келишилган иш графигинининг бузилиши, айтилган камчиликларни қилмаслик

## **Ходимларни бошқариш**

Дастурий таъминот яратиш ташкилотида ишлайдиган ходимлар ташкилотнинг муҳим бўлаги ҳисобланишади. Яхши ходимларни ишга ёллаш ташкилотга қимматга тушади ва бу масалани ҳал қилиш менежерларга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари лойиҳа менежерлари датсурий таъминот ишлаб чиқишида техник масалаларни тушунишлари керак бўлади. Лекин шунда зўр дастурий таъминот муҳандислари борки, уларда яхши менежер чиқмайди. Улар кўчли техник қобилиятга эга бўлишларига қарамасдан уларда гуруҳда етакчилик ҳамда гуруҳ аъзоларига далда бериш қобилияти бўлмайди.

Лойиҳа менежерлари ходимларни бошқариш ҳақида хабардор бўлишлари ва уларни бошқаришни ривожлантириши керак бўлади.

Ходимларни бошқаришнинг асосий 4 та омили мавжуд:

### **1. Мустаҳкамлик:**

Лойиҳадаги ходимлар баробар ўқитилиши керак бўлади. Ҳеч бир ходим эришиладиган ютуқларни озиники бўлишини хоҳламаслиги ҳамда уларнинг ишлари раҳбар томонидан қуллаб қуватлаб турилиши керак.

### **2. Ҳурмат:**

Ҳар бир ходимда ҳар хил қобилият бўлади ва менежер буларни ҳурмат қилиши керак бўлади. Ҳар бир гуруҳ аъзосига лойиҳага ўз ҳиссаларини қўшиш имкониятини бериш керак. баъзи ҳолларда ходимларни ушбу лойиҳага мос эмаслигини менежерлар сезишади, шунда улардан асталик билан иш кўришлари талаб этилади.

### **3. Ҳисобга олиш:**

Ходимларнинг лойиҳага самарали ҳисса қушишлари бошқа гуруҳ аъзоларини уларни тинглашлари ва берган таклифларини ҳисобга олишларига боғлиқ бўлади. Ишчи муҳитинио ривожлантириш жудаям муҳим ҳисобланади.

### **4. Ҳаққонийлик:**

Менежерлар гуруҳда кимнинг иши яхши кетаётгани ёки ёмон кетаётганини ҳаққонийлик билан айтиши керак. бундан ташқари менежер

ўзининг қандай техник даражада билимга эга эканлигини билиб, ундан юқори малакали ходимлар билан билим алмашиши керак.

Менежер ўз ходимларига мотиватсия бериш қобилиятига эга бўлиши керак. мотиватсия бериш бу ишни бошқариш ва одамларга ишчи муҳитини яхши ташкил қилиш ҳисобланади. Бунинг натижасида ишчилар озларининг энг яхши ишларини кўрсатадилар.

Ходимларга яхши ишчи муҳитини яратиш учун менежер ходимларга нма мотиватсия бериси мумкинлигини билиши талаб қилинади. Одамлар озларига керак нарсаларни уларга етказилиб беришидан қаноатланадилар. ходимларнинг нималарга муҳтож бўлишларини қўйидаги расмдан кўриш мумкин:



Чизма-4.5 Ходимларнинг эҳтиёжлари иерархияси

Дастурий таъминот ишлаб чиқиш ташкилотида ишловчи ходимларга одатда оч қолмаслик учун физиологиг таҳдидга тушмаслик учун муҳит яратиб беришади.

### Гуруҳ аъзоларини танлаш:

Менежерлар ёки гуруҳ етакчиларининг иши самарадор гуруҳ яратсих ҳамда гуруҳни биргаликда эффектив ишлашларини таъминлашдан иборат. Бу ходимларнининг характерлари ва техник маҳоратларини бир маромда ушлашга ёрдам беради.

### Жамоавий муносабатлар

Гуруҳ аъзоларининг бир бирлари билан ва бошқа лойиҳа акциядорлари (stakeholder) эффектив ва самарали муносабатда болишлари жудам

муҳим. Гурух аъзолари лойиҳага доир маълумотларни, лойиҳа дизайнни бўйича таклифларни бир-бирлари билан алмашишлари керак. Ходимлар ўз навбатида шерикларида лойиҳа бўйича муаммолар тўғилса уларни бартараф этишда кўмаклашишлари керак. Бундан ташқари гурух аъзолари бошқаларнинг кучли ва кучсиз томонларини билишлари керак бўлади. Эффектив ва самарали муносабатларга қуидагилар таъсир қиласи.

### **1. Гурухнинг ҳажми.**

Гурух қанчалик катталашса гурух аъзоларининг бир-бирлари билан самарали муносабат қўришлари шунчалик қийинлашади. Гурух аъзоларининг ҳар бирлари бошқалар билан бир мартадан алоқа қилишлари сони  $n^*(n+1)$  формула орқали топилади. масалан 8 та аъзоси бўлган ходимларнинг бир мартадан ўзаро муносабатда бўлишлари сони 56 тага тенг бўлади.

### **2. Гугуҳ тузулмаси.**

Норасми тузулган гурух аъзолари расми тузилга гурух аъзоларига нисбатан эффектив алоқада бўлишадилар. Турли тизимларда ишлайдиган ходимлар бир-бирлари билан фақат менежер орқали маълумот алмашадилар бу эса тушинмовчиликларга олиб келиши мумкин.

### **3. Гуруҳ таркиби.**

Бир хил тоифадаги ходимлар бир бирлари билан тукнаш келишлари мумкин ва натижада муносабатлар бузилиши кузатилади. Шунинг учун ходимлар таркиби аёллар ҳамда эркаклар дан ташкил топиши керак.

### **4. Жисмоний иш муҳити.**

Ташкилотнинг ходимлар ишлашлари учун яратилган муҳити муносабатларни яхҳилаш ёки ён тўсқинлик қилишга асосий омил ҳисобланади.

### **5. Алоқа каналларининг мавжудлиги.**

Турли хил алоқа қилиш усуллари мавжуд. Булар юзма-юз алоқа, e-mail хабарлар орқали алоқа, расмий ҳужжатлар орқали, телефон бўлиши мумкин.

Агар лойиҳа аъзоларини ажратилган ҳолда ишлашларига тўғри келса бунда уларга алоқани енгиллаштирадиган технологиялар керак бўлади.

## **Назорат саволлари**

1. Нима учун доим ҳам энг яхши дастурчи энг яхши дастурий таъминот менежери бўла олмайди?
2. Доимий нарх (fixed-price) нима?
3. Дастурий лойиҳа плани ҳар бир қисмини тушунтиринг.
4. Нарх сметасини камайтира олиши мумкин бўлган тўртта йўл айтинг.
5. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиша тезкор (agile) ва етук (maturity) ёндашувлар орасидаги муҳим фарқларни айтинг.
6. Дизайн сифатини башпорат қилувчи қандай методлар мавжуд?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Software Engineering”, by Ian Sommerville, 2015, paGES – 790.
2. Holdener, A. T. (2008). Ajax: The Definitive Guide. Sebastopol, Ca.: ЎReilly and Associates.
3. Abrial, J. R. (2005). The B Book: Assigning Programs to Meanings. Cambridge, UK: Cambridge University Press.

# IV БҮЛДИМ

АМАЛИЙ МАЦЕУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1 - амалий машғулот. UML ҳолат диаграммаларини шакллантириш. (2 соат)

**Ишдан мақсад:** Лойиҳанинг ҳолат диаграммаларини шакллантириш учун UML мұхитида ишлаш учун StarUML дастурий воситасини ўрнатиш, лойиҳа таснифи учун use case, class, sequence, activity ғана башқа ҳолат диаграммаларини яратиш күнімділарини ҳосил қилиш.

#### Ишни бажариш тартиби


1. StarUML дастурини ўрнатиш.
2. StarUML дастурида ҳолат диаграммаларини яратиш учун ишлатиладиган ускуналар панели билан танишиш.
3. Лойиҳанинг use case диаграммасини шакллантириш бўйича кўрсатмалар.
4. Лойиҳанинг class диаграммасини шакллантириш бўйича кўрсатмалар.
5. Лойиҳанинг sequence диаграммасини шакллантириш бўйича кўрсатмалар.

#### StarUML дастурини ўрнатиш

StarUML – бу очиқ кодли, қулай ва тезкор UML/MDA платформа бўлиб, лойиҳанинг ҳолат диаграммаларини шакллантиришда ишлатилади.

■ Асосий хусусиятлари:

- ▶ UML 2.0
- ▶ MDA
- ▶ Plug-in Architecture
- ▶ Usability



1-расм. StarUML дастури дастлабки интерфейси

UML (Unified modeling language) – OMG (Object Management Group) нинг кенгайтирилган кўриниши бўлиб, ҳозирги кунда UML 2.0 версияси мавжуд ва барча стандартлари StarUML дастури томонидан қўллаб қувватланади.

MDA (Model Driven Architecture) - OMG (Object Management Group) нинг янги технологияси бўлиб, дастурий таъминотни моделлаштириш ускунаси ўзгарувчилар ва методлар киритишни ҳам қўллаб қувватлайди.

### ■ Афзалликлари

- ▶ импорт ва эхпорт қилиш имконияти мавжуд.
- ▶ Дастурда кодлар ва документатсиялар мавжуд.
- ▶ фойдали ва бепул.

### ■ Камчиликлари

- ▶ Бошланғичлар учун қийин.
- ▶ Кросс платформали эмас. (фақат Windows учун ишлайди)

StarUML дастуридан фойдаланиш учун тизимга минимум қўйидагича талаблар қўйилади:


- ▶ Intel® Pentium® 233MHz ёки ундан юқори
- ▶ Windows® 2000, Windows XP™, ёки ундан юқори
- ▶ Microsoft® Internet Explorer 5.0 ёки ундан юқори
- ▶ 128 MB RAM (256МБ тавсия қилинади)
- ▶ hard дискдан 110 МБ бўш жой (150МБ тавсия қилинади)

StarUML лойиха учун қўйидаги кўринишдаги диаграммаларни яратиш учун имкониятини яратади:

1. Use Case Diagram
2. Class Diagram
3. Sequence Diagram
4. Collaboration Diagram
5. State chart Diagram
6. Activity Diagram
7. Komponent Diagram


8. Deployment Diagram
9. Composite Structure Diagram (UML 2.0)

Дастурни ўрнатиш учун қуидаги ссылка га кирамиз  
<http://StarUML.sourceforge.net/en/download.php>




2-расм. StarUML дастурини юклаб олиш учун веб саҳифа ойнаси

Юклаб олинган файлни ишга туширганимизда қуидагича ойна хосил бўлади ва ундан “Next” тугмасини босамиз.




За-расм. StarUML дастурининг ўрнатилиш жараёни

Натижада дастурни қаерга ўрнатишни йўлини кўрсатиб (Одатда C:\Program Files (x86)\StarUML папкасига ўрнатилади) “Nextx” тугмасини белгилаймиз.




3б-расм. StarUML дастурининг ўрнатилиш жараёни



3с-расм. StarUML дастурининг ўрнатилиш жараёни тугаши ва уни ишга тушуриш


Агар StarUML дастури мувоффақиятли ўрнатилса юқоридаги 3с-расм пайдо бўлади ва бундан “Finish” тугмасини босадиган бўлсак, дастур ўрнатилиши ниҳоясига етади ва StarUML дастури автоматик тарзда ишга тушурилади. StarUML да лойиха яратиш кетма-кетлиги қўйидагича амалга оширилади.

[File] -> [New Project By Approach] menu.




4а-расм. StarUML дастурида янги лойиха яратиш

Select [Rational Approach]




4б-расм. StarUML дастурида янги лойиха яратиш



5-расм. Яратилган лойиханинг умумий ойнаси

Лойиханинг Use case диаграммасини чизиш. Бунинг учун қуйидаги кетма-кетлик амалга оширилади


- Юкорида кўрсатилган расмдан **Use Case view** бўлимига сичқонча чап тугмаси икки марта босилади.
- “**Main**” бўлимида тўғридан тўғри диаграммани чизиш мумкин (ёки **Use Case view** менуюсидан сичқонча ўнг тугмасини босиб **[Add Diagram] -> [Use Case Diagram]** кетма-кетликлари танланади.




6-расм. Лойиха учун Use Case диаграммасини яратиш

Use Case диаграммасини шакллантириш жараёнида күйидаги элементлардан фойдаланилади:


- Actor
- Use Case
- Association
- Directed Association
- Generalization
- Dependency
- Include
- Extend
- System Boundary
- Package




7а-расм. Actor элементи



7б-расм. Use Case элементи



7с-расм. Assotsatsiya (компоненталарни боғлаш) элементи



8-расм. Лойиҳанинг Use Case диаграммаси

### Фойдаланилган адабиётлар

- 1.“Software Engineering”, by Ian Sommerville, 2015
- 2.UML Distilled: A Brief Guide to the Standard Object Modeling Language (3rd Edition)by Martin Fowler Sep 25, 2003
- 3.<http://www.SoftwareEngineering-9.com>
- 4.<http://www.UML-diagrams.org/>

## **2 - амалий машғулот. Лойиҳа учун тизим талаблари ва функционал талабларни ишлаб чиқиши. (2 соат)**

**Ишдан мақсад:** Ишлаб чиқарилаётган дастурий таъминот учун талаблар хужжатини шакллантириши.

Тизим учун талаблар бу тизим нима иш бажариш лозимлигини тасвирлашдир. Талаблар тизим мижозларини эҳтиёжларини акс эттиради.

Талаблар инжинииринги жараёнида кўпгина муаммолар қўтарилади. Фойдаланувчи талаблари ва тизим талаблари терминлари орасида фарқ мавжуд. Фойдаланувчи талаблари умумий ва тизим талаблари батафсил бўлади. Фойдаланувчи талаблари ва тизим талаблари қўйидагича изоҳланиши мумкин:

3. Фойдаланувчи талаблари бу диаграммалар билан табиий тилдаги баёнотлар.
4. Тизим талаблари бу дастурий таъминот тизими функциялари, сервислари ва оператив чекланишларининг батафсил тасвирланиши.

Ушбу амалий ишни тушунтириш мақсадида биз сизга Руҳий Беморлар Соғлигини Сақлаш Бошқарув Тизими (РБССБТ) мисол қилиб оламиз.

**Фойдаланувчи талаблари**

1. РБССБТ белгиланган ҳар бир шифохоналар учун дорилар

**Тизим талаблари**

- 1.1 Ҳар ойнинг охирги иш кунида белгиланган дорилар қисқача изоҳи, уларнинг баҳоси ва белгиланган шифохоналар ҳосил қилинади
- 1.2 Тизим автоматик тарзда ҳар ойнинг охирги иш кунида соат 17:30 дан кейин ҳисоботни босмага чиқаришга тайёрлайди
- 1.3 Ҳисобот ҳар бир шифохона учун яратилган бўлиши ва индивидуал дори номлари рўйхати, шифокорлар ёзиб берган дори рўйхатилари сони, ёзиб берилган дори рўйхатидаги дори дозалари сони ёзиб берилган дориларнинг умумий баҳоси
- 1.4 Агар дорилар турли хил дозаларда (масалан, 10мг, 20мг) бўлса уларни алоҳида ажратиб ҳисобот тайёрлаш
- 1.5 Ҳисоботга рухсатларни чегаралаш


Дастурий таъминот тизими талаблари функционал ва функционал бўлмаган талаблар синфларига ажратилади.

3. Функционал талаблар Бу тизим таминлаши лозим бўлган сервисларнинг баёноти. Киритилган маълумотларга тизим қандай

реакция кўрсатиши лозим, тизим ўзини бундай ҳолатларда қандай тутуши лозим

4. Функционал бўлмаган талаблар Бу тизим томонидан таклиф қилинаётган сервислар ва функциялардаги чекловлар. У ўз ичига вақт чекланиши, ишлаб чиқариш жараёни чекланиши, бериладиган стандартлар томонидан чекланишларни олиши мумкин.

Сиз талабларни турли хил даражада ёзишингиз керак чунки турли хил ўқувчилар турли хил йўлда фойдаланишади.




РБССБТ тизими учун функционал талаблар, руҳий касалликка чалинаётган беморлар учун

1. Фойдаланувчи барча шифохоналар учун учрашув вақтларини қидира олиши керак
2. Тизим ҳар бир кунга ҳар бир шифохона учун новбат кутиб турган беморларга учрашув кунини тузиб бериши лозим
3. Ҳар бир ишчи ходим ўзининг саккиз хонали ишчи номери орқали идентификатсиядан ўта олиши лозим

РБССБТ тизими учун функционал бўлмаган талаблар

1. Тизим тиббиёт ходимлари учун фойдаланишга қулай бўлиши лозим
2. Тиббиёт ходимлари тўрт соатлик трейнингдан сўнг тизимнинг барча функцияларидан фойдалана олиши лозим

## Функционал бўлмаган талаблар



**PRODUCT REQUIREMENT** - РБССБТ нормал иш вақтида барча клиникалар учун мавжуд бўлади (Душанба-Шанба, 08.30-17.30). Узилишлар бир кунда бир марта ва 5 секунддан ошмаслиги керак.

**ORGANIZATIONAL REQUIREMENT** - РБССБТ тизими фойдаланувчилари ўз карталари орқали идентификатсия қилиниши лозим.  
**EXTERNAL REQUIREMENT** - ташқи талаблар.

### Дастурий таъминот талаблари ҳужжати

Дастурий таъминот ҳужжати бу тизимни ишлаб чиқувчилар нимани ошириши лозимлигини ифодаловчи расмий ҳужжатdir. У тизим учун фойдаланувчи талабларини ҳам тизим талабларининг батафсил

спесификатциясини ҳам ўз ичига олади. Базида фойдаланувчи ва тизим талаблари битта қилиб тавсифланади. Бази ҳолларда эса фойдаланувчи талаблари хужжатнинг кириш қисми ва тизим талаблари асосий қисмни ташкил қиласиди.

### **Талаблар хужжатидан фойдаланувчилар**

<b>Тизим мижозлари</b>	Талабларни кўрсатиш ва талаблар бажарилганлигига текшириш учун ўқиш. Мижозлар шунингдек талабларни ўзгартириши мумкин.
<b>Бошқарувчилар</b>	Тизимни нархлаш ва ишлаб чиқишини режалашритиши учун талаблар хужжатидан фойдаланиш.
<b>Тизим инженерлари</b>	Ишлаб чиқарилаётган тизимни тушуниш учун талаблардан фойдаланиш.
<b>Тизимни тестловчи инженерлар</b>	Тизимни ҳақиқийликка текшириш учун тизим талабларидан фойдаланиш.
<b>Тизимга хизмат кўрсатувчи инженерлар</b>	Тизим ва унинг қисмлари муносабатини тушуниш учун талаблардан фойдаланади.

### **Талаблар хужжатининг структураси**

<b>Бўлим</b>	<b>Тавсифи</b>
Муқаддима	Хужжатни кутилган ўқувчиларини аниқлаш лозим
Кириш	Тизим муҳимлигини тасвирлаш. Тизим функционаллиги қисқача тасвирланади.

Глоссарий	Хужжатда фойдаланилган техник терминларни аниқлаш
Фойдаланувчи талаблари	Фойдаланувчи учун тамилланган сервисларни тасвирлаш
Тизим архитектураси	Кутилган тизим архитектурасини юқори-даражали күриниши
Тизим талаблари	Функционал ва функционал бўлмаган талабларнинг батафсил күриниши
Тизим моделлари	Тизим компоненталари орасидаги муносабатларни график тизимини кўрсатиш
Тизим эволюцияси	Тизимга асосланиб фундаментал тахминларни тасвирлаш
Илова	Ишлаб чиқарилаётган илова ҳақида батафсил маълумотлар; масалан, аппарат таъминот ва маълумотлар базаси
Индекс	Хужжат индекслари

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.“Software Engineering”, by Ian Sommerville, 2015
- 2.Davis, A. M. (1993). Software Requirements: Objects, Functions and States. Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall.
- 3.<http://www.SoftwareEngineering-9.com>
- 4.<http://www.pearsonhighered.com/sommerville>

### **3 - амалий машғулот. Лойиха учун керакли ҳолат диаграммаларни ишлаб чиқиш (Use case, class ва sequence диаграммалари) (2 соат)**

**Ишдан мақсад:** Берилган лойиха учун қўйилган тизим ва функционал талаблардан келиб чиқсан ҳолда use case, class, sequence ва бошқа мос ҳолат диаграммаларини шакллантириш кўникмаларини ҳосил қилиш.

#### **Ишни бажариш тартиби**

1. StarUML дастурини ишга тушириш;
2. Лойиха учун use case диаграммасини ишлаб чиқиш;
3. Берилган лойиханинг class диаграммасини ишлаб чиқиш
4. Лойиханинг sequence диаграммасини ишлаб чиқиш

UML (Unified modeling language) – ишлаб чиқиладиган дастурий таъминотни таснифлаш, висуал тасвирлаш, қуриш ваҳужжатлаштириш учун стандарт тил ҳисобланади. UML тизимнинг структурали ва боғланган кўринишларини тасвирлашда ишлатилади. Бунда UML нинг турли кўринишдаги диаграммаларидан (асосан 9та диаграмма мавжуд) фойдаланилади. Ушбу диаграммалар орқали тизимда бажариладиган жараёнларни висуал тасвирлаш ва объектлар орасидаги боғланишни кўрсатиш мумкин.

Мазкур амалий ишда бирор бир тизимнинг умумий структураси, use case, class va sequence диаграммаларини яратишни кўриб ўтамиз.

**Use case диаграм** – бу тизимдаги case лар ва actor лар орасидаги боғланиш диаграммаси бўлиб, бунда тизимнинг фойдаланувчилари ва тизим ташкил этувчи қисмлари орасидаги боғланиш тасвирланади.

**Class диаграм** – бу турдаги диаграммада синфлар, интерфейслар, ҳамкорлик ва уларнинг боғланишлари кўрсатилади. Бу диаграмма тизимдаги мавжуд синфларни, уларнинг атрибутлари, методлари ва интерфейс хусусиятларини кўрсатади.

**Sequence диаграм** – ўзаро муносабат диаграммаси бўлиб, бунда тизим тасжкил этувчи модуллари орасида ўзао боғликлар аниқ кўрсатилади. Ўз навбатида UML диаграммаларидан “соллобаратион диаграм” ҳам объектлар ёки модуллар аро ўзаро муносабатни таъминлайди ва тизининг динамик кўринишда ҳолатини кўрсатиб беради.

## **Ишни бажариш намуна**

**Топширик:** Кўп қаватли биноларда лифт мавжуд бўлиб, ушбу лифтнинг ишлаш тизимини лойиҳалаштириш ва UML диаграммаларини шакллантириш лозим.

Дастлаб лифт тизимининг қисқача тасниfini келтирамиз. Умумий ишлаш принципига кўра лифт фойдаланувчи томонидан чақрилида, йўналиш кўрсатилади ва кўрсатилган йўналиш бўйича белгиланган қаватга кўтарилади ёки аксинча.

Лифтда белгиланган қаватга етиб олиш алгоритми қўйидагича:

1. Лифтни чақириш (лифт турган жойига нисбатан пастдан ёки юқоридан);
2. Лифт эшиги очилади;
3. Керак бўлган қават белгиланади;
4. Лифт эшиги ёпилади;
5. Белгиланган қаватга ҳаракатланади;
6. Лифт эҳиги очилади;
7. Лифт эшиги ёпилади;
8. Лифт нейтрал ҳолатга ўтади.

\*Изоҳ: Агар зарур бўлган ҳолларда лифт тизими ишдан чиқиб қолса фавқулотда ёрдам тугмаси (emergency call) орқали навбатчини (диспетчер) чақириш мумкин.

Демак юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда мазкур тизимнинг талабларини ишлаб чиқишимиз мумкин:


Лифт тизимининг талаблари

- ✓ T-01: фойдаланувчи томонидан чақирив амалга оширилганда керакли қаватга ҳаракатланиши керак;
- ✓ T-02: лифт белгиланган қаватга етиб келганида тўхташи ва эшил очилиши керак;
- ✓ T-03: бирор бир қават кўрсатилмагунча маълум вақт нейтрал ҳолатда туриши керак;
- ✓ T-04: ҳаракатланиш учун қават кўрсатилгандан кейин эшик ёпилиши керак;
- ✓ T-05: ҳаракат кўрсатилган қаватгача амлага ошиши керак;
- ✓ T-06: кўрсатилган қаватга етиб борганидан кейин лифт тўхташи билан эшик автоматик очилиши керак;
- ✓ T-07: маълумо вақтдан кейин эшик автоматик ёпилиши керак

Лифт тизимининг функционал талаблари


- ✓ ФТ-01: фойдаланувчи (user) – лифтдан фойдаланич жараёнида кетма-кетликни түғри бажариши ва ҳаракатни амалга ошириши лозим;
- ✓ ФТ-02: навбатчи (диспачер) – лифтда фавқулотда вазият бўлганида ёки ишдан чиққанида биринчи ёрдам кўрсатиши лозим;
- ✓ ФТ-03: лифт қурилмасига жавобгар ташкилот бошқарувчиси навбатчи фаолиятини мувоффиклаштириб туиши лозим;
- ✓ ФТ-04: лифт тизими хатосиз ишлаши ва чидамли бўлиши лозим.

Ушбу талабларни тизим хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳоҳлаганча ўзгартириш ва давом эттириш мумкин, Ушбу талаблар ишлаб чиқиладиган тизимнинг асосий қисмини ташкил этади. Энди қуйидаги расмда лифт тизимининг умумий схемасини келтирамиз:



3.1-расм. Лифт тизимининг умумий схемаси

Тизимнинг Use Case диаграммаси қуидагича бўлади:




3.2-расм. Лифт тизимининг Use Case диаграммаси

Тизимнинг Use Case диаграммасини ишлаб чиқишида асосан қуидаги элементлардан фойдаланилди:

- Use Case (тизимнинг ташкил этувчи модуллари)
- Actor (тизим фойдаланувчиси, администратор, диспетчер)
- Dependency, generalization, association (тизим модулларини боғлаш қонуниятлари)

Тизимнинг class диаграммаси қуйидагича бўлади:




3.3-расм. Лифт тизимининг class диаграммаси

Тизимнинг class диаграммасини шкллантишда эса қуйидаги асосий элементлардан фойдаланилади:

- Classes (синфлар)
- Interfaces (интерфейслар)
- Collaborations (ҳамкорликлар)
- Dependency, generalization, association (синфлар ва интерфейсларни бир – бирига боғлаш қонуниятлари).

Тизимнинг sequence диаграммаси




3.4-расм. Лифт тизимининг sequence диаграммаси

Үз навбатида қуйидаги элементлар тизимнинг секуенс диаграммасини шакллантиришда ишлатилади:

- Objects (тизим обектлари)
- Links (объект боғлаш ва йўналтириш белгиси)
- MessaGES (боғланиш ҳолатини билдирувчи хабарлар)
- Respond Time (қайта алоқа вақтини кўрсатиш)

Тизимнинг collobaration (ҳамкорлик) диаграммаси



3.5-расм. Лифт тизимининг collobaration диаграммаси

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Learning UML 2.0 by Russ Miles and Kim Hamilton May 2, 2006
2. “Software Engineering”, by Ian Sommerville, 2015
3. Davis, A. M. (1993). Software Requirements: Objects, Functions and States. Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall.
4. <http://www.UML-diagrams.org/>
5. <http://www.SoftwareEngineering-9.com>
6. <http://www.pearsonhighered.com/sommerville>

### **4 - амалий машғулот. Тизим архитектураси ва дизайнини қуриш**

**Ишдан мақсад:** Дастурий таъминот архитектураси ва архитектуравий дизайн яратиш ва уни тизимга мослаштириш.

Дастурий таъминот архитектураси тизимни ишлаб чиқишида муҳим ўрин тутади, сабаби у тизимни ишлаб чиқилишига, ишончлилигига, кенг

күламда күлланилишига ва қайта ишлаб чиқилишига таъсир қиласы.

Архитектуравий дизайн жараёнида тизим архитектори тизим ва тизимни ишлаб чиқиш жараёнига самара келтирадиган структуравий қарорлар чиқариши лозим. Билим ва тажрибага асосланиб тизим ҳақида қуидаги қарорларни қабул қилиши керак:

1. Лойиҳаланаётган тизим бирор бир умумий лойиҳалар архитектурасига мос келадими?
2. Тизим ядро ёки протессорларга қандай тақсимланади?
3. Қандай архитектуравий андозалар ёки усуллардан фойдаланиш мүмкін?
4. Тизим структурасига қандай фундаментал ёндашувлар фойдаланилади?
5. Тизимдаги структуравий компоненталар қандай қилиб қисмларга ажратилади?
6. Тизимдаги компоненталарнинг операциясини назорат қилишда қандай стратегиядан фойдаланилади?
7. Тизимнинг функционал бўлмаган талабларини тамиллаш учун қандай қандай архитектуравий ташкилот энг яхши?
8. Архитектуравий дизайн қандай баҳоланади?
9. Тизимнинг архитектураси қандай хужжатлаштирилиши лозим?


Гарчи ҳар бир дастурий таъминот тизими уникал бўлсада ўхшаш архитектуралардан фойдаланилиши мумкин.

Дастурий таъминот тизими ҳақидағи билимларни кўрсатишда андозалар ғоясидан фойдаланиш ҳозирги кунда кўп қўлланилмоқда.


Ҳар бир архитектуранинг яхши ва ёмон томонлари мавжуд

Қуида энг кўп қўлланиладиган архитектуравий андозаларни келтирамиз


## Веб илова архитектурасида МВС андозасидан фойдаланиш




## Қатламли архитектура




## Жихожланган архитектура



## Клиент - Сервер архитектураси




## Қувур анд филтер архитектураси



Рүхий касалликка чалинганд бөмөрлар соғлигини сақлаш тизими дастурий

таъминотини яратишида қуидаги архитектурани қўлланилишини кўрсатиб берамиз.

### Қатламли архитектура



### Фойдаланилган адабиётлар

1. “Software Engineering”, by Ian Sommerville, 2015
2. Bass, L., Clements, P. and Kazman, R. (2003). Software Architecture in Practice, 2nd ed. Boston: Addison-Wesley.
3. <http://www.SoftwareEngineering-9.com>
4. <http://www.pearsonhighered.com/sommerville>

### 5 - амалий машғулот. Дастурий таъминот дизайнни ва амалий кўриниши.

**Ишдан мақсад:** Дастурий таъминот учун дизайн наъмуналар ишлаб чиқиши ва унинг амалий кўринишини яратиш.

Дастурий таъминотлар учун маълум бир дизайн наъмуналари мавжудки, улар устида бир неча босқичли амалларни бажаргандан сўнг ушбу наъмунани тизим учун қўллаш мумкин бўлади. Дизайн наъмуна бир вақтнинг ўзида қўйилган муаммонинг тавсифи ва унинг ечими учун моҳиятини ташкил этади.

Сиз дизайнни ишлаб чиқишида UML дан фойдалансангиз, сиз одатда икки хил турдаги дизайн моделларни ишлаб чиқасиз:

1. Структуравий моделлар, Объект синфлари ва уларнинг муносабатларидан фойдаланиб тизимнинг статик структураси тасвиранади.
2. Динамик моделлар, тизимнинг динамик структурасини тасвиrlайди ва тизим объектлари орасидаги муносабатни кўрсатасди.

Дастурий инжиниринг тизимнинг дастлабки талабларидан тортиб тизимни ишлаб чиқиб амалиётга қўллашгача бўлган барча фаолиятларни ўз ичига олади. Бу жараённинг энг қритик босқичи албатта тизимни амалий кўринишидир. Яъни сиз дастурий таъминотнинг ишлатиб бўладиган талқинини ишлаб чиқиш. Амалий кўриниш юқори ёки паст даражали дастурлаш тилларида амалга оширилиши мумкин. Дастурий инжирингда амалий кўриниш учун муҳим бўлган жиҳатларни келтирамиз:

1. *Reuse* Кўпгина замонавий дастурий таъминотлар мавжуд компоненталар ёки тизимлардан қайта фойдаланиш орқали қурилади. Сиз дастурий таъминот ишлаб чиқаётганда имкон қадар мавжуд кодлардан фойдаланишингиз лозим.
2. *Configuration management* Ишлаб чиқиш жараёнида ҳар бир дастурий таъминот компонентаси бир неча хил талқинда яратилади. Агар сиз созламаларни бошқариш тизимида ушбу талқинларни ёзиб бормасангиз тизимда хато талқиндаги компоненталардан фойдаланишингиз мумкин.
3. *Host-target development* Дастурий маҳсулот ишга тушириладиган компьютер билан дастур ишлаб чиқарилган компьютер бир хилда бўлмайди. Шу сабабдан тизимни турли хилдаги компьютер да ишлашини ҳам ҳисобга олиш лозим.

### **Об-ҳаво станцияси *use case* лари**

*Report weather* - об-ҳаво ахборот тизимига об-ҳаво маълумотларини жўнатиш.

*Report status* - об-ҳаво ахборот тизимига ҳолат маълумотларини жўнатиш.

*Restart* - агар тизими ўчган ҳолатда бўлса тизимни қайта юклаш.


*Shutdown* - об-ҳаво станциясини Ўчириш.

*Reconfigure* - об-ҳаво станцияси дастурий таъминотини қайта созлаш.


*Powersave* - об-ҳаво станциясини қувватни тежаш режимига ўтказиш.

*Remote control* - об-ҳаво станцияси тизим остиларга назорат командаларини жўнатиш.


## Об-хаво станцияси учун тизим контексти




## Об-хаво станцияси учун use case лар




## Об-хаво станциясининг юқори даражали архитектураси



## Об-хаво станциясининг объектлари



## Об-хаво станциясининг ҳолат диаграммаси



## Фойдаланилган адабиётлар

1. “Software Engineering”, by Ian Sommerville, 2015
2. Bass, L., Clements, P. and Kazman, R. (2003). Software Architecture in Practice, 2nd ed. Boston: Addison-Wesley.
3. <http://www.SoftwareEngineering-9.com>
4. <http://www.pearsonhighered.com/sommerville>

## 6 - амалий машғулот. Дастурий таъминотни тестлаш ва текшириш

**Ишдан мақсад:** Дастурий таъминотни тестлаш ва тестлаш босқичларини ўрганиш.


Тестлаш, дастурий таъминотни фойдаланишга қўйишдан олдин дастур

нуқсонларини топиш ва уларни түғирлашга мўлжалланган дастурларни кўрсатишга мўлжалланган. Сиз дастурий таъминотни тестлаган чоғингизда, сунъий маълумотлардан фойдаланиб дастурни ишга туширасиз. Сиз дастурни тестлаш натижаларини хатоларга, аномалия (нормал ҳолатдан четлашиш) га ёки дастурнинг нофункционал сифатлари ҳақида маълумотга текшириласиз.

Тестлаш жараёнида иккита алоҳида мақсадлар мавжуд:

3. Ишлаб чиқарувчи ва буюртмачига уларнинг дастурий таъминоти талаблари бажарилаётганини намойиш этиш. Буюртма қилинган дастурий таъминот учун хужжатдаги талабларнинг ҳар бири учун камида битта тестлаш бўлиши лозим. Умумий дастурий таъминот маҳсулотлари учун эса, тизимнинг барча функциялари учун, шунингдек, тайёр маҳсулотда ишлатиладиган функциялар аралашмаси учун тестлашлар бўлиши керак.
4. Дастурий таъминот нотўғри, ишонарсиз ёки спетсификатсияларга мос келмаган ҳолларни аниқлаш. Улар дастурий таъминотнинг нуқсонлари ҳисобланади. Нуқсонларни тестлаш кераксиз тизимларнинг нуқсонларига барҳам бериш билан боғлиқ, масалан, тизимнинг тўхтаб қолиши, бошқа тизимлар билан кераксиз буғланиши, маълумотларнинг нотўғри ҳисбланиши ва бузилиши.

### Дастурий таъминотнинг тестлаш жараёни модели



Одатда тижорат дастурий таъминот тизими қўйидаги учта тестлаш босқичидан ўтиши керак:

1. *Development testing*, тизим ишлаб чиқарилаётган пайтда тестланади. Тизим дизайнерлари ва дастурчилари томонидан тестланади.
2. *Release testing*, тизим фойдаланувчиларга тақдим этилишидан олдин тўлиқ тизим тестловчи гуруҳ томонидан тестланади.
3. *User testing*, фойдаланувчилар ўзининг муҳитида тизимни тестлайди.

Амалиётда тестлаш икки усул - автоматик ва қўлда текширишнинг

биргаликда қўлланиши орқали амалга оширилади. Қўлда текшириш жараёнида тестловчилар дастурни бир неча тестловчи маълумотларни киритган ҳолда ишга тушириб ҳосил бўлган натижаларни кутилган натижалар билан солиштиради. Улар тестлаш жараёни мобайнида вужудга келган фарқлар ва хатоларни ёзиб олиб дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчига етказадилар. Автоматик тестлаш жараёни эса дастурий таъминотни ишлаб чиқиш давомида бир неча марта маълум бир тестловчи тизим томонидан амалга оширилиб борилади. Теслашнинг автоматик услуби қўлда олиб бориладиган тестлашдан тезроқ ва унумлироқдир, айниқса, тестлаш натижасида вужудга келган хатоликларни тузатишдан ҳосил бўлиши мумкин бўлган янги носозликларни текшириш керак бўлганда, яъни қайта тестлаш жараёнида автоматик тестлаш усули фойдалироқ ҳисобланади.

Энди тижорат дастурий таъминотларининг тестлаш босқичларига батафсил тўхталиб ўтамиз:

### I. *Ишлаб чиқаришдаги тестлаш (Development testing).*

Ишлаб чиқаришдаги тестлаш дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчилари томонидан шу жараёнда олиб бориладиган барча тестларни ўз ичига олади. Одатда тестловчи дастурий таъминотни ишлаб чиқаришда иштирок этган дастурчи ҳисобланади. Лекин баъзан дастурний таъминотни ишлаб чиқарувчи жамоа алоҳида тестловчи ва дастурчилардан ҳам ташкил топган бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқаришдаги тестлаш, одатда қўйидаги З босқични ўз ичига олади:


1. *Unit testing* – дастурий таъминотнинг алоҳида олинган бўлимлари (синфлар, усуллар)ни тестлаш.

WeatherStation	
identifier	
reportWeather ( )	
reportStatus ( )	
powerSave (instruments)	
remoteControl (commands)	
reconfigure (commands)	
restart (instruments)	
shutdown (instruments)	

Мисол тариқасида об-хавони аниқловчи станция учун дастурий таъминот ишлаб чиқарилаётган бўлса уни тестинг да унинг юқорида кўрсатилган


маълум бир усулларини текшириш етарлидир.

2. *Component testing* – маълум бир умумий вазифани бажарувчи бир нечта бўлимлардан ташкил топган бирор бир компонентани тестлаш



Бунда битта компонентани ташкил қилган А, Б ва С бўлимлар умлаштирилган ҳолда тестланади.

3. *System testing* – баъзи ёки барча компоненталарни ўз ичига олган бутун бир тизимни яхлит ҳолда тестлаш жараёни. Бунда тестлаш бутун бир тизимга қаратилган бўлади.



Ўз номи билан маълумки бунда барча компоненталарни ўз ичига олган бутун бир тизим якуний босқичда тесланади.

Тестлашнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги босқичи (development testing) тестларнинг профессионал дастурчилар томонидан амалга оширилганлиги билан муҳим ва аниқдир.

## ***II. Дастурий таъминотни амалиётга тадбиқ этиши жараёнидаги тестлаш (release testing)***

Ушбу тестлаш жараёни дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчилар жамоасидан ташқарида, уни амалиётга тадбиқ этиш давридаги тестлаш жараёни бўлиб ҳисобланади. Тестлашнинг бу босқичидан кўзланган асосий мақсад дастурий таъминотни амалиётга қўллаш учун етарли даражада тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Бу жараён нафакат фойдаланувчи талаблари. Балки дастурий таъминот қўлланилаётган бутун бир тизимнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Бу жараён ҳам Ўз навбатида бир неча босқичларни Ўз ичига олади ва улар қуйидагилар:

*Requirements-based testing* (талабларга асосланган тестлаш) – бундай тестлаш талабларнинг қай даражада бажарила олинаётганини тетслашга асосланган. Шунинг учун дастурий таъминот усюн талаблар ишлаб чиқилаётганда уларни кейинсчалик тестлаш учун қулай бўлишини ҳам инобатга олиш керак.

*Scenario – testing* (сценарийни тестлаш) – бунда дастурий таъминот қай тарзда ишлашини белгилаб берувчи хужжат – сценарий талаблари бажарилаётгани тестланади.

*Performance testing* (ижрони ёки дастурий таъминотнинг ишилаш жараёнини тестлаш) – бу дастурий таъминотни амалиётга тадбиқ қилиш жараёнидаги тестлашнинг сўнгги босқичи бўлиб бунда асосий эътибор дастурнинг барча майда деталларини ҳам инобатга олган ҳолда тестлаш лозим бўлади.

## ***III. Фойдаланувчи томонидан тестлаш (User testing)***

Бунда фойдаланувчи ёки истеъмолчи дастурий маҳсулотдан фойдаланиш давомида юзага келган муаммолар бўйича ўз фикр ва маслаҳатлари берган ҳолда тестлаш жараёнини амалга оширади. Деярли барча тизимлар учун дастурчи ва ишга тушириш давомида олиб борилган тестлашнинг ўзи етарли бўлиб қолмайди. Чунки мураккаб тизимларда шундай вазиятлар бўлади-ки, фақатгина фойдаланувчи ёки мижоз дастурий

маҳсулотдан фойдаланаётган вақтда муаммолар юзага келади. Шу жиҳати билан ҳам тестлашнинг ушбу босқичи мухим хисобланади. Бунинг ҳам бир неча усуслари мавжуд:

- a) *Алфа тестлаши* – бунда фойдаланувчи дасутирий таъминотни ишлаб чиқарувчи жамоа билан бирга фаолият олиб борган ҳолда тестлашни амалга оширади.
- b) *Бета тестлаши* – дастурий таъминотнинг маълум бир функциялари фойдаланувчилар тестлашлари учун очик бўлади ва улар тестлаш жараёнини Ўз касбий вазифаларини бажара туриб амалга оширадилар.
- c) *Тасқидловсчи тестлаши* – бунда фойдаланувчи дастурий таъминотни изчил ўрганиб уни ўзининг иш жараёни учун тадбиқ қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги хақида якуний қарорни қабул қиласди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Andrea, J. (2007). ‘Envisioning the Next Generationof Functional Testing Tools’. IEEE Software, 24(3), 58–65.
2. “Software Engineering”, by Ian Sommerville, 2015
3. <http://www.SoftwareEngineering-9.com>
4. <http://www.pearsonhighered.com/sommerville>

VII БҮЛДИМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-кейс.

Банк бир нечта автомат банкоматлардан ташкил топган бўлиб, улар географик жиҳатдан тақсимланган бўлиб тармоқ орқали марказий серверга уланади. Хар бир банкомат пластик карта ўқувчи, нақд пул диспансери, клавиатура дисплей ва принтердан ташкил топади. Банкоматдан фойдаланган ҳолда банк мижозлари нақд пулларини ечиб олишлари, ҳисоб рақамидаги балансни текшириш ёки бир ҳисоб рақамидан бошқа ҳисоб рақамига пул кўчиришлари мумкин. Транзакция мижоз банк картасини *card reader* га қўйиши билан бошланади. Карта орқасидаги магнит штрих кодларидан карта номери, карта тайёрланган кун ва амал қилиш куни аниqlанади. Карта ҳақидаги маълумотлар олингандан сўнг тизим картанинг амал қилиш муддати ўтиб кетмаганлигига текширади. Агар карта амал қилиш муддатида ва фойдаланувчи киритган ПИН коди тизимдаги ПИН код билан бир-хил бўлса карта йўқотилмаган ёки ўгриланмаган. Агар фойдаланувчи уч марта нотўғри ПИН код киритса карта баномат ичидаги қолади. Агар карта барча тасдиқлашлардан Ўтса пулни ечиб олиш, баланс ҳақидаги сўровлар ва трансферлар бўлимлар очилади. Нақд пул ечиб олиш бўлими танланганда сўралган сумма ҳисоб рақамида мавжудлиги ва кундалик пул ечиб олиш лимитидан ошиб кетмаганлигига ва локал нақд пул писпансерида мавжуд суммага текширилади. Агар транзакция тасдиқланса сўралган микдордаги нақд пул чиқарилади, транзакция ҳақидаги барча маълумотлар чеки принтердан чиқарилади ва карта эгасига қайтарилади. Мижоз ихтиёрий пайтда транзакцияни бекор қилиши мумкин. Транзакция тўхтатилганда карта қайтарилади.

### Кейсни бажариш тартиби

- 1.1 Use case моделини тузинг (индивидуал)
- 1.2 Статик моделини тузинг (индивидуал)
- 1.3 Объект структурасини тузинг (гурухларда)
- 1.4 Динамик моделини тузинг (индивидуал)
- 1.5 Тизим архитектураси ва дизайнини яратинг (гурухларда)
- 1.6 Тизимни амалий кўринишини яратинг (индивидуал)
- 1.7 Тизимни тестланг (гурухларда)

### 2-кейс.

Вебга асосланган Онлайн харид тизими, мижоз буюртмани етказиб берувчидан бир ёки бир нечта товарларни сотиб олишни сўраши мумкин. Мижоз шахсий маълумотларини беради масалан манзил, кредит карта маълумотлари. Бу маълумотлар мижоз ассоунтида сакланади. Агар кредит карта ҳақиқийлиги тасдиқланса буюртма яратилади ва етказиб берувчига етказилади. Етказиб берувчи товар мавжудлигига текширади, буюртмани тасдиқлайди ва етказиб бериш кунини белгилайди. Қачонки буюртма

етказилганда мижозга хабар берилади ва мижознинг кредит картасидан маблағ ечиб олинади.

### **Кейсни бажариш тартиби**

- 2.1 Use case моделини тузинг (индивидуал)
- 2.2 Статик моделини тузинг (индивидуал)
- 2.3 Объект структурасини тузинг (гурухларда)
- 2.4 Динамик моделини тузинг (индивидуал)
- 2.5 Тизим архитектураси ва дизайнини яратинг (гурухларда)
- 2.6 Тизимни амалий кўринишини яратинг (индивидуал)
- 2.7 Тизимни тестланг (гурухларда)

### **3-кейс.**

Фавқулотда ҳолатлар мониторинг тизими бир нечта масофадан бошқариладиган мониторинг тизимлари ва мониторинг сенсорларидан ташкил топади. Турли хил сенсорлар орқали ташqi муҳит ҳолати мониторинг қилиб борилади. Сенсорларнинг бир нечтаси масофадан туриб мониторинг серверига маълумот узатади. Ташиб муҳит хавфли ҳолатларга дуч келганда одамлар сенсорлар орқали огоҳлантириши мумкин. Огоҳлантиришлар огоҳлантриш сервисида сақланади. Мониторинг оператори турли-хил сенсорларнинг ҳолатини кўриб боради ва огоҳлантириш ҳолатларини янгилаб туради.

### **Кейсни бажариш тартиби**

- 3.1 Use case моделини тузинг (индивидуал)
- 3.2 Статик моделини тузинг (индивидуал)
- 3.3 Объект структурасини тузинг (гурухларда)
- 3.4 Динамик моделини тузинг (индивидуал)
- 3.5 Тизим архитектураси ва дизайнини яратинг (гурухларда)
- 3.6 Тизимни амалий кўринишини яратинг (индивидуал)
- 3.7 Тизимни тестланг (гурухларда)

Муаммо тури	Келиб сиқиши сабаблари	Нал этиш йўллари

*\*Кейсдаги муаммоларни шакллантиришида тингловсчилар (профессор-Ўқитувсчилар) фикр-мулоҳазалари инобатга олинини тақидлаб ўтишимиз лозим.*

# VIII БҮЛІМ

## ГЛОССАРИЙ

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шархи</b>
Actor	Мавзу билан ўзаро хамкорликдаги ўйналаётган шахс рўли
Adaptability	Дастурий маҳсулотнинг турли хил муҳитларга мослашувчанлиги
Agile software development	Кетма-кет ошиб борувчи дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш методологиялар гуруҳи
Artifact	Дастурий таъминот ишлаб чиқарилиш мобайнида олинган натижалардан бири
Attribute	Объектнинг характеристикиси
Behavioral diagram	Тизимнинг хусусиятларини кўрсатувчи УМЛ диаграммаси
Business Analysis (BA)	Бизнес эҳтиёжларни аниқлашда ва бизнес муаммоларни ечишда талаб қилинган вазифалар, билим, ускуналар ва усуллар тўплами
Business Process	Алоҳида мижозлар ёки бозор учун маҳсулотлар ишлаб чиқиш фаолиятлари тўплами
Class	Ўхшаш обьектлар тўпламини тасвирлаш
Class diagram	Тизимнинг статик структурасини кўрсатувчи диаграмма. Унда тизимнинг синфлари, синф хусусиятлари ва методлари ва синflар орасидаги муносабатлар кўрсатилади.
Komponent diagram	Тизимни ташкил қилувчи компоненталар кўрсатиладиган диаграмма
Conceptual model	Дастурий таъминот ёки аппарат таъминотнинг технологик хусусиятларини тасвирловчи модел
Customer	Маҳсулотни сотиб олувчи фойдаланувчи ёки ташкилот
Dependency	Бошқа компоненталар тўпламидаги бир компонентда тўплами
Deployment diagram	Тизимнинг ишлаш архитектурасини кўрсатувчи диаграмма
Entity	Алоҳида мавжудликка эга элемент ёки элементлар тўплами
Entity-relationship model (ERM)	Маълумотларнинг абстракт кўриниши. ЭРМ борликлар тўпламидан ташкил топади.

Error	Нотүғри натижа чиқарадиган инсон ҳаракати
Function	Тизим нима иш бажаришини тасвирлаш.
Lifecycle	Махсулотнинг ҳаётни бўлимларга бўлиш
Maintenance	Дастурий маҳсулот етказилганидан сўнг уни яхшилаш, муҳитга мослаштириш
Modeling language	Ахборотни ифодалашда фойдаланса бўладиган ихтиёрий сунъий тил
Non-functional requirement	Функционал бўлмаган талаблар
Object-oriented analysis and design	Тизимни бирлашган объектлар гурӯҳи қўринишида моделлаштириш
Portability	Дастурий маҳсулотни бир муҳитдан бошқа муҳитга ўтказганда осон кўчиш имконияти
Process	Жараён, боғлик фаолиятлат тўплами
Process requirement	Ишлаб чиқиш жараёнига оид бўлган талаблар
Product requirement	Ишлаб чиқиш жараёни маҳсулотига оид бўлган талаблар. Махсулотнинг сифатига таъсир кўрсатади
Product	Жараёндан чиқувчи натижа
Quality	Тизимнинг талабларга жавоб бериш даражаси
Requirement	Талаб

# IX БҮЛІМ

АДАБИЁТЛАР  
РҮЙХАТИ

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

#### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралданаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралданаги “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлданаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлданаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августданаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини тъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. “Софтвере Энгинаеринг”, бўй Иан Соммервилле, 2015, паГЭС – 790.
2. Ҳолденер, А. Т. (2008). Ажак: Тхе Дефинитиве Гуиде. Себастопол, Са.: ЎРеиллй анд Ассосиатес.
3. Абриал, Ж. Р. (2005). Тхе Б Book: Ассигнинг Програмс то Меанингс. Самбридге, УК: Самбридге Университй Пресс.
4. Андерсон, Р. (2001). Сесуритй Энгинаеринг: А Гуиде то Буилдинг Депендабле Дистрибутид Системс. Чичестер, УК: Жоҳн Вилей & Сонс.
5. Байер, С. анд Катоен, Ж.-П. (2008). Принциплес оғ Модел Ческинг. Самбридге, Масс.: МИТ Пресс.
6. Балл, Т., Боунимова, Э., Соок, Б., Левин, В., Личтенберг, Ж., McГарвей, С., Ондрусек, Б., С. К., Р. анд Устунер, А. (2006).

7. ЪТхороугҳ Статис Аналисис оф Девисе Дриверсъ. Прос. ЭуроСис 2006, Леувен, Белгиум. Ахерн, Д. М., Слоусе, А. анд Турнер, Р. (2001). СММИ Дистиллед. Реадинг, Масс.: Аддисон-Веслей.
8. Басили, В. анд Греен, С. (1993). ЪСофтware Просесс Импровемент ат тҳе СЕЛъ. ИEEE Софтware, 11 (4), 58–66.

#### **IV. Интернет сайтлари**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
2. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
3. Тошкент ахборот технологиялари университети: [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz), [e-tuit.uz](http://e-tuit.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги: [www.mitc.uz](http://www.mitc.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

